



Жорий йилнинг 15-16 январь кунлари "Йил ўқитувчиси — 2002" республика кўрик-танлови иштирокчилари Миробод туманидаги 110-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчилари ҳузурда, яъни ноташиш синфда очиқ дарслар ўтишган эди. Унда иштирокчилардан бири, Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги 48-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси Машхура Бекованинг очиқ дарси ҳам янгиликларга бойлиги билан кўпчиликнинг эътирофига сазовор бўлди.

Гап шундаки, муаллима 7-«А» синфда "Эрстег тажрибаси. Токнинг магнит майдони" мавзусини ўтар экан, назария билан амалиётни уйғунлаштиришга алоҳида эътибор қаратди. Шунингдек, жараёнда қатор дарс усуллари қўллаб, ўқувчиларнинг мавзуга оид барча тушунчаларни ўзлаштиришига эришди.

Суратда: маҳоратли муаллима Машхура Бекова ўқувчиларга биргаликда ўтказилган тажриба хулосаларини баён этаётир.

Бурхон РИЗО олган сурат



SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

RASMIY TASHRIF

2003 yilning 21-23 aprel kunlari Ruminiya Prezidenti Ion Iliyeskuning mamlakatimizga qiladigan rasmiy tashrifi chog'ida ikki tomonlama munosabatlarning hozirgi ahvoli va istiqbollari hamda tomonlarni qiziqtirgan xalqaro muammolar muhokama etilishi rejalashtirilgan.

QAROR

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "2003-2004 yillarda korxonalarni davlat tasarrufidan chiqarish va xususiy lashtirish dasturi to'g'risida"gi qarori va unga berilgan sharh matbuotda e'lon qilindi.

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида фан сирларини чуқур эгаллашга иштиёқманд талабалар, аспирантлар ва докторантларнинг анъанавий «Илм ҳафталиги» бошланди. Ҳафталик профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг йигирма еттинчи, магистрларнинг биринчи республика илмий-назарий конференцияси билан очилди.

— Ҳафталик давомида барча фан йўналишлари бўйича профессор-ўқитувчилар, аспирант ва магистрлар ўн саккиз секцияга бўлиниб иш олиб боради, - дейди университетнинг илмий ишлар бўйича

«ИЛМ ҲАФТАЛИГИ» БОШЛАНДИ

проректори, физика-математика фанлари доктори, профессор Ниятбой Утеулиев. - Секцияларда 538 илмий маъруза тингланади. Ҳафта давомида жами 842 илмий маъруза таҳлил этилади. Фанда янгилик ҳисобланган ва энг яхши деб топилган маърузалар Ўзбекистон Миллий университетининг хабарномасига киритилади ва матбуотда эълон қилинади.

Ҳафталикнинг дастлабки куни анжуман иштирокчилари «Ярим ўтказгич физикасининг ҳозирги замон муаммолари, бугуни ва келажги», «Илмий ишларда интернетдан самарали фойдаланиш йўллари» мавзусидаги маърузаларни таҳлил қилди.

Ҳафталик қизгин баҳс-мунозара асосида давом этмоқда.

Аминбой Ортиқбоев,
ЎЗА мухбири

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

ҲОКИМ ЎҚУВЧИГА
ЭЪТИБОР
ҚАРАТСА...

2-бет

ТАСВИРИЙ САЊАТ
ДАРСЛАРИНИ КИМ
ЎҚИТАДИ?

3-бет

ДАРЁЛАР ҚУЙИЛГАН
УММОН

5-бет

БАРЧА НАРСАДАН
АФЗАЛ ҲАДЯ

7-бет

ОҚСОҚОЛ
ШОНР БИЛАН
УЧРАШУВДАН
ЛАВҲАЛАР

8-бет

ИЗГИРИНЛАРНИ
ҲАЙДОВЧИ
ШЕЪРИЯТ

11-бет

АЛКИМЁГАР

роман

12-бет

ҚОРА АЖАЛНИНГ
ОҚ КЎРИНИШИ

14-бет

БЕБАҲО ЗАМИН

16-бет

ИТАЛЬЯНЧА+
ШОХМОТСИМОН
КРОССВОРДИ

16-бет

SO'NGGI
UCH KUN
MUJDA LARI

FARMON

Shu yilning 9-aprel kuni Qashqadaryo viloyatining Chiroqchi tumanida qurollangan jinoyatchini qo'lga olish paytida og'ir yaralanib, olgan jarohati natijasida vafot etgan viloyat Ichki ishlar boshqarmasi boshlig'i, militsiya polkovnigi Abdikarim Yulbarisovning xotirasini abadiylashtirish maqsadida chiqqan O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Qashqadaryo viloyat Ichki ishlar boshqarmasining boshlig'i A. Yulbarisov to'g'risida"gi Farmoniga binoan Yulbarisov Abdikarim (marhum) II darajali "Shon-sharaf" ordeni bilan mukofotlanib, Toshkent viloyati hokimligiga u tug'ilib o'sgan O'rta Chirchiq tumani O'rtasaroy qishlog'idagi Xumson mahallasi fuqarolarining murojaatini inobatga olib, ushbu mahallani uning nomi bilan atash masalasini ko'rib chiqish topshirildi.

"FRIEDENSDORF
INTERNATIONAL"
XAYRIYASI

Germaniyaning "Friedensdorf International" xalqaro xayriya tashkilotining insonparvarlik tibbiy yordami doirasida mamlakatimizga jo'natgan navbatdagi yuki — qiymati 100 ming yevro miqdoridagi tibbiy uskunalар, kiyim kechaklar va poyafzallardan iborat hadyasi respublika bolalar shifoxonalari va "Mehribonlik uylari"ni jihozlash uchun mo'ljalangan.

OLIIY O'QUV
YURLARI
"MEHRIBONLIK
UYLARIGA"

Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligining qaroriga ko'ra endilikda poytaxtimizda joylashgan oliy o'quv yurtlari Toshkent shahridagi barcha mehribonlik uylari hamda maxsus maktablarning doimiy vasiylari sifatida ularning ta'miri, o'quv uskunalarini va adabiyotlari bilan ta'minlanishini o'z zimmasiga oladigan bo'ldi.

Bilim, rag'bat, samara

Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани халқ таълими бўлими қошида "Зиё" жамғармасининг ташкил этилганлигига кўп бўлгани йўқ. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, ҳамда "Таълим тўғрисида"ги қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилишида иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида туман ҳокимининг қарорига асосан ташкил этилган ушбу жамғармага тумандаги корхона, ташкилот, муассасалар, ширкат ва фермер хўжаликлари, саҳоватпеша тадбиркорлар ҳам бегараз ҳомийлик қилишмоқда.

Жамғарма маблағлари қандай мақсадлар йўлида сарфланмоқда, деган саволимизга туман халқ таълими бўлими мудирини, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими А.Бобоевдан қуйидагича жавоб олдик:

— Аслида жамғарма иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида тузилган. Шахсан туман ҳокимининг ташаббуси билан жорий йилнинг январь ойи охири ва феврал ойи бошларида тумандаги мактаб ўқувчиларининг билимини аниқлаш ва улар орасидан истеъдоддиларини

рағбатдан четда қолмади. Энг тажрибали ва моҳир устоз номига мушарраф бўлган беш нафар ўқитувчиларга ҳам бир ойлик маош миқдорида мукофот пули ва биттадан гилам совға сифатида берилди.

— Бу олимпиада нафақат ўқувчилар ва ота-оналар ўртасида, балки кенг жамоатчиликда ҳам катта қизиқиш уйғотди, — дейди олий тоифали ўқитувчи, 26-мактаб директори Н.Курбанов. — Мана ҳозир кимнингдир фарзанди, кимнингдир ўқувчиси ёки ёнидаги синфдоши стипендия олиб ўқиётганда ҳамма хавас билан қараяпти. Яна бир қувонарли томони шундан иборатки, ўқувчиларда интилиш, ҳаракат қилиш кун сайин ўсиб

ҲОКИМ ЎҚУВЧИГА ЭЪТИБОР
ҚАРАТСА...

— Жамғарманинг асосий мақсади чуқур билимга эга ёшларни тарбиялаш ва иқтидорли болаларни рағбатлантириш, — дейди туман ҳокими, Олий Мажлис депутати П.Мадиев. — Жамғарма иш фаолиятини бошланишида натижалари қандай бўлар экан, деган хавотир ҳам йўқ эмас эди. ҳозирги шароитда жамғармани маблағ билан таъминлашнинг ўзи бўлмайди. Ҳаттоки "Расмиятчилик учун ўтказилаётган бир тадбир-да," деб қўл силтаганлар ҳам бўлди, "қани, нима бўлар экан", деб томошабин бўлганлар ҳам йўқ эмас эди, албатта. Уйлайманки, бугунги саъй-ҳаракатларимиз боис келгусида фарзандларимиздан улғу-улғу инсонлар чиқади.

саралаш мақсадида фанлар бўйича ўзига хос олимпиада — тест синовлари ташкил қилинди. Унда тумандаги барча ўрта умумтаълим мактаблари, гимназия ва мактаб-интернатлари 9-11-синф ўқувчиларидан 196 нафари иштирок этди. Ҳайъат қарорига кўра, ушбу беллашувларда 1-ўринга лойиқ топилган ўқувчиларга ҳар ойда 20 минг сўмдан, 2-ўринга 15 минг сўмдан, 3-ўринни банд этган ўқувчиларга эса 10 минг сўмдан стипендия бериладиган бўлди.

Ғолибларини рағбатлантириш мақсадида "Зиё" жамғармаси томонидан умумий миқдори 810 минг сўмлик маблағ сарфланди.

Билимдонларни тест синовига тайёрлаган ўқитувчилар ҳам

бормоқда. Нафақат ўқувчи ва ўқитувчилараро балки, мактаблараро рақобат ҳам пайдо бўлдики, бундан фақат яхши натижалар кутса арзийди...

Албатта, биз буни инкор қилмоқчи эмасмиз. Рақобат бор жойда ўсиш, изланиш бўлади. Ташкил этилган жамғарманинг асл мақсади ҳам ана шундай эди. Бозор иқтисодиёт даврида фарзандлари айрим корхона ёки ташкилотларнинг ойлик маошлари баробарида стипендия олиб ўқиса, унга хавас қилмай бўладими? Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, айрим корхона, ташкилот маъмуриятлари, мазкур ташаббусдан ўрнак олиб, ўз стипендияларини таъсис этишмоқда.

Жамила ЭШОНҚУЛОВА

Xalqaro ko'rgazma

Пойтахтимиздаги Интерконтинентал меҳмонхонасида саккизинчи "Соғлиқни сақлаш" халқaro кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазма ITE Group Plc компанияси ва унинг Ўзбекистондаги филиали ITESA-OSIYO томонидан ушютирилди.

Туркия, Германия, Буюк Британия, Швейцария, Ҳиндистон,

ДУНЁ ТИББИЁТЧИЛАРИ
АНЖУМАНИ

Россия, Франция каби мамлакатларнинг 50 дан ортиқ компаниялари иштирок этган бу кўргазмага мамлакатимизнинг барча вилоятлари ҳамда Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон республикаларидан 5 мингдан ортиқ тиббиёт ходимлари ташриф буюрдилар. Кўргазмага келган хусусий тадбиркорлар, фирма ва компания раҳбарлари шу жойнинг ўзида ўзларига маъқул келган замонавий тиббиёт жиҳозларини сотиб олиш учун шартномалар тузишди.

Азиз НОРҚУЛОВ

"МУАЛЛИМ" САҲИФАСИ

— "Матбуот, оммавий ахборот воситалари бизнинг қанотимиз, — дейди Чуст тумани ХТБ мониторинг сектори раҳбари София Шаҳобиддинова. — Чунки биз ундан кўпгина ўзимизга керакли бўлган мақолалар, дарсларимизга қўшимча материалларни олаемиз. Биз юқорида қанот Quyi matbuot ҳақида гапирганимизда бизнинг устоз газетамиз "Ma'rifat"ни назарда тутдик. Газета кундан-кун ўзининг сермазмун мақолалари, ибратли ҳикоятлари, баҳсга, мунозарага чорловчи мақолалари билан янада мукамаллашиб борапти, ҳар бир мактаб жамоаси жонудил билан "Ma'rifat"га обуна бўлганлар. Шунингдек, туманимиз газетаси "Чуст ҳақиқати"да ойда бир марта "Муаллим" саҳифаси чоп этиш йўлга қўйилди. Бунда туман таълим муассасаларида амалга оширилаётган ишлар ўқитувчилар, ўқувчиларнинг ҳам мақолалари берилди. Биз туман муаллимлари ва мактабгача таълим ходимлари газеталардан бизларга қўшқанот бўладиган мақолалар кутиб, қолаемиз.

С.ҲАСАНОВА

ЭШИТМОҚ БОШҚА, КЎРМОҚ БОШҚА

"Устоз" жамғармаси йўлланмаси билан хорижий мамлакатларда бўлиш умумтаълим мактабларининг оддий ўқитувчиларига ҳам насиб этмоқда. Шулардан бири пойтахтимиздаги 234-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Азиза Ғофуровадир. У жамғарманинг грантини қўлга киритиб, Вена шаҳрида бўлиб қайтди. Қуйида унинг таассуротлари билан танишасиз.

— "Минг марта эшитгандан бир марта кўрган афзал" экан. Австрия таълим тизими билан танишиш мақсадидаги

сафар давомида бунга яна бир қарра амин бўлдим. Вена шаҳридаги Молия институти фаолияти билан бошланган танишувдан сўнг 19-мактабдаги таълим жараёнини кузатдик. Бошланғич мактабда 6-10 ёшли болалар ўқишади. Ҳар бир синфда 2 та компьютер, 2 та принтер, ҳамда мусиқа марказлари бор. Асосий мақсад 6 ёшдан бошлаб болаларга компьютер, аудио ҳамда видео техникалари билан ишлашни ўргатишдан иборат.

1-синф ўқувчилари учун алоҳида дарс жадвали йўқ, улар ўзлари хоҳлаган дарс билан машғул бўлишлари мумкин. Ўзлаштириш эса тестлар ёрдамида текширилади. Ҳар бир ўқитувчи ўзининг алоҳида дастурига эга. Ўқувчи уйга вазифини ечиш бўйича кўрсатмалар олиши мумкин. Ўқитувчи эса ҳар бир ота-она билан боласининг иқтидори ҳақида суҳбатлашиб туради.

Бир ҳафталик малака ошириш давомида Ўзбекистон-

дан борган делегация Австриядаги мавжуд таълим тизимидан ўзимизда қўллаш мумкин бўлган ижобий хусусиятларни ўрганди. Айни пайтда австриялик ҳамкасбларимиз ҳам Ўзбекистондаги таълим ислохотларидан, уларнинг тараққийпарварлигидан хабардор эканликларини ва келгусида мамлакатимиз истиқболи ана шу ислохотлар билан чамбарчас боғлиқлигини мамнуният билан таъкидлашди.

Ҳ.ТҶИМАНОВА
ёзиб олди.

ТАСВИРИЙ САНЪАТ ДАРСЛАРИНИ КИМ ЎҚИТАДИ?

Инсоният онги шакллана бошлаган даврдан бошлаб, табиатдаги гўзалликдан завқланиб ва андоза олиб, уни расмларда ҳам акс эттира бошлаган. Шу тариқа тасвирий санъат шакллана борган. Йиллар ўтган сари инсоннинг дунёқараши, диди, маҳорати орта боргани сайин тасвирий санъат ҳам мукамаллаша борди ва бутун дунёда юқори баҳолана бошлади. Шу боис ҳам ҳақиқий санъат асарлари қимматбаҳо бойлик сифатида қадрланиб келинади. Микеланжело, Рафаэл, Леонардо да Винчи, Репин, Серов, Камолитдин Бехзод каби машҳур рассомлар яратган бебаҳо санъат асарлари бунга мисол бўла олади. Айниқса, Шарқ миниатюра мактаби асосчиси Бехзоднинг асарлари мухлисларини ҳозиргача лол қолдиради. Демак, инсонлар ўз қалб қўрларида сақланиб келаётган орзу-умидлари, тилаклари, фарёдларини расмлар орқали ҳам ифодалаганлар. Нозиктаб мухлис тасвирий санъатнинг бу нодир намуналари билан сирлашиши, суҳбатлашиши, дардлашиши мумкин.

Тасвирий санъат асарларининг бошқа асарлардан фарқи шуки, ундаги дил изҳорлари таржима талаб қилмайди. Шунинг учун ҳар қандай миллат вакили яратган тасвирий санъат асарини ҳамма бирдек тушуниши мумкин.

Маълумки, миллатни дунёга танитадиган омил унинг интеллектуал бойлиги, санъати ва спортдир. Шу боис ҳам мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримов мустақилликнинг илк йилларидан бу соҳаларни ривожлантиришга катта эътибор қаратди. Хусусан, Ҳиндистон, Франция, Германия, Италия ва бошқа давлатларга қилган ташрифларида кўплаб санъат асарлари тарғиб қилинди. Хорижий давлатларда ўзбек мусаввирлари асарларининг намойиши ташкил этилмоқда. Ватанимиз мусаввирлари томонидан яратилган тасвирий санъат асарлари жаҳондаги энг катта музейлардан ўрин олаётир. Миллатимиз фахри бўлган Чингиз Аҳмаров, Қутлуг Башаров, Рўзи Чориев, Абдулҳақ Абдуллаев, Урол Тансиқбоев ва бошқа кўплаб мусаввирларимиз асарларини дунё танимоқда.

Халқимизнинг амалий санъат турлари — ганчкорлик, мисгарлик, зардўзлик, каштачилик билан дунёга машҳурлиги сир эмас. Хусусан, Уста Ширин Муродов яратган мўъжизакор нақшлар Ватанимизга келаётган сайёҳларни лол қолдиришмоқда. Қолаверса, халқимизнинг уста хунармандлари бизга мерос қилиб қолдирган Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари тарихий обидаларида ишланган расм, нақшлар сирини ўрганиш ҳозиргача дунё халқлари диққатини тортиб келаяпти. Алаҳусус, аждоқларимиз яратган тасвирий санъат бойликлари халқимиз тарихан юксак маданият соҳибидан далолат беради. Бугунги кунда

ана шу анъанани давом эттириш, уни дунё санъати билан уйғунлаштирган ҳолда юксакликка кўтариш ёш авлод бурчидир. Миллатни дунёга танитадиган санъатнинг бу турларини ривожлантириш, аввало, ана шундай ишга ялқатли ёшларни излаш, улар қобилиятини ривожлантириш билан боғлиқ.

Таниқли мусаввир, Ўзбекистон халқ рассоми Рўзи Чориев болалигидан мусаввирликка қизиқиб Елена исмли мусаввирга орзусини айтганида, у Рўзи Чориевдан ёшини сўраганда у "ўн иккига кирдим", деб жавоб беради. Елена бу ёшда рассомликка қизиқиб кечлигини айтади. Ваҳоланки, боладаги илк ёшда пайдо бўлган қизиқининг ўз вақтида пайқалмаслиги унинг юзага чиқишига тўсқинлик қилган эди. Дарҳақиқат, буюк мусаввирлар ҳаётига назар ташлайдиган бўлсак, бу гапнинг қанчалик тўғри айтилганига ишонч ҳосил қиламиз. Яъни Рафаэлда тасвирий санъат

соҳасидаги лаёқат 8 ёшлигдаёқ намоён бўла бошлаган. 12 ёшида у профессионал мусаввир сифатида иш бошлаган. И.Репин ва В.Серовда бу истеъдод 4 ёшлигида, Микеланжелода 13 ёшлигида намоён бўла бошлаган. Кичик ёшлигидан кўзга ташланган бундай истеъдодни асраб-авайлашгина буюк мусаввирларни етиштиришга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам болаларни тасвирий фаолиятга тайёрлаш мактабгача ёшдан оқималга оширилади.

Маълумки, мамлакатимизда тасвирий санъат дарслари умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синфларидан

Муаммо

бошлаб ўқитилади. Давлат таълим стандартлари асосида ишлаб чиқилган янги ўқув дастурларида 1-7-синфгача тасвирий санъат дарси ўқитилиши кўзда тутилгани қувонарли ҳол, албатта. Аммо, шу ўринда бу дарсларни ким ўқитади, деган табиий савол туғилади. Афсуски, шу жойда бир оз муаммога дуч келина-



Инсон доимо гўзалликка ташна. У ҳамиша қалбида тугён урган ҳис-туйғуларини, кечинма ва ҳисларини мўйқалам орқали қоғозда акс эттиришга эҳтиёж туяди. Зеро, гўзалликни англаш ва уни қалбдан ҳис қилиш туйғуси, ундан баҳраманд бўлиш Яратганнинг одамзод учун берилган улуг неъматларидан биридир.

Фаргона вилояти, Марғилон шаҳридаги педагогика касб-хунар коллежи тасвирий санъат фани муаллими, "Шухрат" медали соҳибиди Адҳамжон Содиқов нафақат етук рассом ва педагог сифатида ном қозонган, балки у ўз ўқувчиларининг санъатнинг сеҳрли жозибасига ошно бўлиши ва унинг сир-синаотларини катта қизиқиш билан эгаллашга ундай олиши билан ҳам ҳамиша эъзозли эътиборлидир.

Суратда: муаллим 2-босқич ўқувчилари билан дарс машғулотида.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган сурат

ди. Чунки тасвирий санъат фани ўқитувчиларини тайёрлаш республикамизнинг санокли (Тошкент, Наманган, Бухоро) университетларида амалга оширилади, холос. Бу эса мамлакатимиздаги мазкур иxtисослик бўйича кадрларга бўлган эҳтиёжни қондира олмайди. Масалан, биргина Қашқадарё вилоятида 1083 та умумий ўрта таълим мактаблари мавжуд бўлиб, уларда тасвирий санъат дарсларини ўқитадиган олий маълумотли мутахассислар сони 10 фоизга яқинни ташкил этади. Энди шу соҳа мутахассислари қанчалик танқислигини тасаввур қилинг. Ҳатто айрим мактабларда бу фани мазкур соҳадан тузукроқ хаба-ри бўлмаган ўқитувчилар ўқитаётганига ҳам гувоҳ бўлиш мумкин... Айниқса, бошланғич синфларда бу фанининг ўрнига бошқа дарслар ўқитилиши учраётгани ачинарли ҳолдир. Тасвирий санъат иxtисослиги соҳасида ўқитувчи етишмай турган пайтда Давлат таълим стандарти асосида тайёрланган бошланғич таълим иxtисослиги ўқитувчилар тайёрлаш ўқув режасидан "Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси" курси чиқариб ташланганини изохлаш эса яна ҳам мушкул...

Мутахассис танқислиги яққол кўзга ташланиб турган бир даврда бошланғич таълим иxtисослиги бўйича тайёрланаётган бўлажак ўқитувчиларнинг шу соҳа бўйича билим, кўникма ва малакага эга бўлмасликлари тасвирий санъатнинг келажигини хиралаштириб қўямасмикан? Қолаверса, бошланғич синф ўқитувчилари таълимни кўпроқ тасвирий воситалар асосида кўргазмалар ташкил этишлари таълим самарадорлигини таъминлаши лозимлиги ва бу борада ҳам аҳвол яхши эмаслиги мазкур масала моҳиятини янада ойдинлаштиради. Бундай кўргазмалар воситаларни ўқитувчиларнинг ўзлари тайёрлаб билишлари ҳам катта аҳамиятга эга. Шунингдек, бошланғич синф ўқувчилари орасидан тасвирий санъатга лаёқатли, истеъдод нишонаси сезилиб турган ўқувчиларни ҳам бошланғич синф ўқитувчилари танлаб, уларни авайлаб ўстиришлари лозим. Бу эса уларнинг ўзлари ҳам тасвирий санъат соҳасидаги кўникма ва малакага эга бўлиши лозимлигини тақозо қилади.

Хулоса қилиб айтганда, миллат келажиги, унинг равнақи бугун камол топаётган ёш авлоднинг маънавияти, маданияти, билим ва иқтидорига боғлиқ. Шунинг учун ҳам биз миллатимиз келажиги, унинг бой тарихий, маданий меросини кўпайтириш, ривожлантириш устида ишласак, келажак авлод олдидаги бурчимизни бир қадар бажарган бўламиз.

Талъат ҒАФФОРОВА,
ҚарДУ бошланғич таълим кафедраси мудири, педагогика фанлари номзоди,
Абдумурод ТўЛАГАНОВ,
ҚарДУ бошланғич таълим кафедраси ўқитувчиси

Бугун юртимизда барча соҳаларда бўлгани каби таълим тизимида ҳам катта ислохотлар олиб борилмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига асосан кенг кўламда ишлар амалга ошириляётир. Жумладан, жойларда замон талаблари даражасида академик лицей, касб-хунар коллежлари ва бошқа ўқув муассасалари қурилиб, уларга мутахассис кадрлар тайёрланаёпти. Бирок, айни пайтда мазкур ўқув юртларига ўқитувчи кадрлар кўпроқ таълим беришнинг асосий бешиги ҳисобланадиган умумий ўрта таълим мактабларидан ҳам олинмоқда. Ўз-ўзидан савол туғилади: бу ҳолат мактабларда биров бўлса-да, бўшлиқни юзага келтирмайдими? Бунга жавобни эса баралла овоз билан айтиш қийин. Негаки, энг малакали кадрлар ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларига мўлжалланиб тайёрланаётганлиги сабабли мактабларда мутахассис

ЕТТИ ЎЛЧАБ, БИР КЕСМАСА БЎЛМАЙДИ

ўқитувчилар тез-тез алманиб туришади. Лекин бу дарс жадвали ўзгаришга учрайди, дегани ҳам эмас, албатта. Сир эмаски, моддий манфаатдорлик малакали ўқитувчиларни мактабдан кейинги ўқув юртларига етаклайди. Бирок, бугунги кунни тўғри баҳолайдиган мактаб раҳбарлари фойдаланилмаётган ер участкаларни боғларга айлантириб, мактаб таъмирига етадиган маблағ топаётганини ҳам таъкидлаш жоиз. Бундан ўқитувчилар ҳам хурсанд, баъзан фарзандлари мактаб таъмирига, деб пул сўрайдиган ота-оналар ҳам мамнун бўлишади. Қолаверса, ўқувчилар дарсдан бўш вақтларида кераксиз машғулотлар билан банд бўлиб қолишмайди.

Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади, деганларидек, мактабларда шундай ислохотлар ўтказишга бел боғлаган зиёдилар топилади. Бундай ўзгаришни ҳатто бирор қарич ортиқча ери бўлмаган, аҳоли зич жойлашган шаҳар мактабларида ҳам амалга ошириш мумкин.

Mulohaza, taklif

Масалан, тикувчилик ва бошқа хунармандчилик тўғараклари очилишига эътибор берилса, бу ўқитувчилар учун ҳам, ўқувчилар учун ҳам фойдадан холи бўлмайди. Чунки янги асрнинг талаби мактабларни фарзандларимизнинг мукамал таълим олиши учун компьютер ва бошқа замо-

навий ўқув қуроли билан жиҳозлашдир.

Таълим тизимида иқтисодиётга муносабат хусусида гап кетар экан, мактабларда бўладиган обуна жараёни ҳақида ҳам фикр юритиш лозим. Сир эмас, ҳозирда таълим соҳасидан йироқ бўлган айрим ташкилотлар ҳам ўз наشرларига мактабларнинг обуна бўлишини исташади. Ҳозирги шароитда уларни ҳам тушуниш мумкин. Лекин бугунги кун кишиси бу борада ўз хоҳишига кўра ҳаракат қилиши лозим, деб ўйлаймиз. Қолаверса, илм масканлари учун биринчи галда таълим-тарбия наشرларига обуна бўлиш зарурияти ортиқроқ.

Яна бир мулоҳаза қилиб кўриладиган масала тўғри-

сида сўзламоқчиман. Маълумки, баъзан мактаб ҳудудидан ташқарида юз берадиган айрим болаларнинг майда ҳуқуқбузарликка оид ишларига ҳам мактаб таъмурияти жавоб бериб келади. Агар мактаб қошида бу каби масалалар билан шуғулланадиган, яъни ўсмирлар билан ишлайдиган махсус таянч пункти ташкил қилинса, аҳвол аввалгига қараганда яхшиланиши шубҳасиздир. Чунки ўқувчиларнинг ўқитувчилардан руҳий томондан ҳайиқмаслиги ҳам баъзи кўнгилсизликларга йўл очиб қўяди. Хуллас, ўсмирлар билан ишлайдиган бўлим ташкил қилиниб, унга маҳаллалар қошидаги педагог-тарбиячилар масъул қилиб тайинланса, фарзандларимиз тарбиясида янада ижобий натижаларга эришиш мумкин бўларди.

Мавжуда ЙўлДОШБЕКОВА,
Мирзо Улугбек туманидаги
148-мактаб директори

Халқ таълими вазири Рисбой Жўраев «Халқ сўзи» газетасида ўтказилган бевосита мулоқотда “боғча — мактаб” мажмуалари ҳақида берилган саволга жавоб сифатида қуйидаги маълумотларни келтирган эди:

— Ҳозирги кунда “боғча-мактаб” андозасидаги таълим мажмуалари республикада 229 тага етди. Уларда 25 минг нафар мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар таълим тайёргарлигини олмоқда. Бундай мажмуалар тармоғи 2005 йилгача мўлжалланган махсус режа асосида ташкил этиб борилади. Фақатгина 2002 йилнинг ўзида 70 та ана шундай муассасалар фойдаланишга топширилди. Лекин биз фақат шундай мажмуаларни барпо этиш билангина чекланиб қолмоқчи эмасмиз.

Ушбу маълумотларнинг ўзиёқ боғча-мактаб мажмуалари таълим олувчиларнинг тайёргарлигини замонавий даражада бўлишини таъминлашга ишорадир. Бундай мулоҳазаларни фақатгина сўз билан эмас, амалий тажрибада қанчалик ўз аксини топаётганлигини батафсил ёритиш учун Чилонзор туманидаги 586-боғча-мактаб мажмуаси фаолияти билан яқиндан танишдик. Сиз қуйида бу турдаги мажмуаларнинг ютуқлари ва ўзига хос ечимини кутаётган масалалари ҳақида билиб олиш имкониятига эга бўласиз.

ТАШАББУС ЎЛМАДИ...

586-мактабгача таълим муассасаси қисқа вақт ичида ўз ўрнини, обрўсини топди. Жамоанинг бирдамликда ва тинмай изланиб ишлашлари эвазига ушбу муассасанинг номи илғор жамоалар қаторида тилга олинадиган бўлди. Чунки, бу муассасада гоёлари ва янги фикрлари бор кадрлар кадрланди. Шундай кадрлардан бири, яъни ушбу даргоҳ мудираси Дилбар Фуломова бир ташаббус билан чиқди. Ижтимоий талаб ва таклифларни вақтида кўра билган мутахассис МТМни чет тилларни ўргатишга ихтисослаштириш лойиҳасини керакли ташкилотларга олиб боришдан эринмади. Ишни бошлаб қўйган опа олдида чексиз машаққат, жуда кўп савй-ҳаракат турганлигини биларди. Шунга қарамасдан, кун келиб, чет тилларни ўрганишга бўлган эҳтиёжнинг оммавий тусда кўтарилишини олдиндан сезган ҳолда атрофига фикрдошларни йиғиб, мақсад сари ҳаракатда давом этди. Ва 1991 йилда мактабгача таълим муассасаси ва Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети ўртасида келгусида ҳамкорликда ишлаш юзасидан шартнома имзоланди. Хуллас ташаббус ўлмади.

АКСИНЧА, ДАВОМ ЭТДИ

Муассасада тарбияланувчилар инглиз тилини ўргана бошлашди. Хали бу йўналишдаги тажрибалар деярли бўлмаганлиги учун ундан-бундан қилиб машғулотлар ўтиш меъёрлари юзага келиб, анча-мунча ишлар қилинди. Орадан ўтган йиллар илк бор инглиз сўзларини ўрганган болаларни яхшигина мулоқотга киришадиган билагонларга айлантириб, уларнинг боғчадан учирма бўлиши онларини яқинлаштираётган эди. Шунчалик бўлишига меҳнати сингган тарбиячию барча ходимларнинг яна тинчлиги йўқолди. Бунинг сабаби мактабларнинг бошланғич синфида чет тиллари ўқитилмайди. Ахир тайёрлов гуруҳи болалари мактабга борган орадаги тўрт йиллик таърифусда ҳамма ўрганганларини эсидан чиқариб юборади-ку! Бу қилинган барча ҳаракатлар ҳавога совурилиб, зое кетди дегани эмасми? Шундай бўлмаслиги учун нима қилмоқ керак? Боғчани боғча-мактаб мажмуасига айлантирмоқ лозим. Яна аввалгидан кам бўлмаган елиб-югуришлар давом этди ва боғча тайёрлов гуруҳи тарбияланувчиларини “бегона” қилмайдиган мажмуага айланди.

АЙНИ КУНДА

Мажмуада 13 та боғча гуруҳи (рус, ўзбек аралаш), 6 та синф (4 та ўзбек, 2 та рус)да жами 396 нафар болалар таълим-тарбия олаяпти. Улардан 271 нафари тарбияланувчилар, 125 нафари эса ўқувчилар. Боғча болалари одатдаги МТМлардан кўра бошқачароқ: яъни улар она тилимиздан ташқари 3 тилни — инглиз, француз, рус тилларини ўрганишяпти. Ундан кейин бу болалар нисбатан эркинроқ ва мустақилроқ, назаримда. Чунки улар билан суҳбатлашсангиз мустақил тарзда ўз фикрини билдира олади. Ноанъанавий машғулот ва ўйин сценарийларини ҳам кузатганимда кичкинтойлар ёдлаб олган сўзларини тўти

ТАНГАННИНГ ИККИ ТОМОНИ

БОҒЧА — МАКТАБ МАЖМУАСИ: ЮТУҚЛАР ВА КАМЧИЛИКЛАР

кушдек такрорлашмади. Унинг ўрнига собит туриб тўғри, нотўғри муносабатларини билдирганича, машғулотларни жонли тарзда ўтказишди. Аслида ҳам шундай бўлиши керак. Чунки, бола ҳозирданоқ бировнинг тайёр фикрини ўзлаштириб, тарбиячи чизиб қўйган ҳолат доирасида қолиб кетмаса, у эртага “берсанг ейман, бермасанг ўламан” қабилада яшаган кўникиш ҳосил қилмасдан вояга етади. Ана шунинг учун ҳам ушбу маскандаги боғча ва мактабда фан тўғрақларидан ташқари шахмат, шашка, рақс тўғрақларида болалар ақлий, маънавий, жисмоний қобилиятларини янада ривожлантираётдилар. Умуман, бу каби ибрат қилиб кўрсатишга арзигулик маълумотларни жуда кўплаб келтириш мумкин. Лекин, мажмуанинг сизу биз учун қизиқ бўлган бошқа жиҳатларига эътиборингизни қаратмоқчимиз.

МУАММО ВА ЕЧИМ

Мажмуада Чилонзор туманидаги МТМ мудиралари, услубчи ва чет тили ўқитувчилари ҳамда ЎзДЖТУ олимлари йиғилиб “Болаларга чет тилларни ўргатишнинг ташкилий ва методик асослари” мавзусида давра суҳбати ўтказганида бу йўналишдаги кўпгина ютуқли ва муаммоли жиҳатлар тилга олинди. Хусусан, болаларга чет тилларни ўргатиш қанчалик вақтлроқ бошланса, шунчалик самарали бўлади. Бунинг учун, албатта, болаларнинг руҳий ҳолатлари, етти ёт бегона сўзларни қабул қилиш имкониятлари ҳар томонлама синалган ва назарий жиҳатдан исботланган бўлиши керак. Айнан ана шу йўналишдаги ишларнинг ҳали-ҳануз тизимлашмагани ва айниқса, чет тилларини ўқитиш бўйича методик қўлланмаларнинг йўқлиги барча йиғилганларнинг “дарди” бир хиллигини кўрсатди. Бу борада ЎзДЖТУ чет тилларни ўқитиш методикаси кафедраси ўқитувчиси Ўринбой Ҳошимов куйидаги таклифни илгари сурди:

— Мана сизлар МТМ мутахассиси сифатида чет тилларни ўқитишда нималар кераклигини яхши биласизлар. Бизлар эса эндиликда бевосита ҳамкорлик қилиб, ўқитишнинг назарий асосларини яратишга ҳаракат қиламиз. Тўғри, 1991

йилда университетимиз ўқитувчилари томонидан МТМлар учун тил ўргатиш мезонлари кўрсатиб берилган қўлланма яратилган эди. Лекин, ундан бери кўп нарсалар ўзгарди. Сизларга ҳозир янгилик сифатида айтишим мумкинки, мазкур мажмуа раҳбари Дилбар Фуломова кўп йиллик тажрибасига таяниб, болалар билан амалиётда синаган, ҳар бир гуруҳ боласининг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, алоҳида-алоҳида методик қўлланмаларни тайёр кўринишга келтирган. Агарда ҳомийлар топилиб, улар кўмаги билан сизларга сув ва ҳаводек зарур қўлланмалар нашрдан чиқса, оғирларингиз энгил бўларди.

Шунингдек, юртимизда иш олиб бораётган америкалик доктор Майкл Бенсон ҳам бу борада ўз фикрларини билдира туриб қўлидан келганча амалий ишларга ёрдам беражигани айтди.

Эндигина қўлланмалар атрофидаги муаммолар бир ёқли бўлди деганимизда яна бир муаммо чиқиб қолди. Бу кадрлар масаласи. Барча йиғилган услубчи ва мудиралар, чет тилини ўқитиш бўйича мутахассислар йўқлигидан, бу ишни уларнинг ўзлари амал-тақал қилиб

Уйқудан сўнг тарбиячи ёрдамида ҳамма ўтилган дарсларни тайёрлашга ва тўғрақ ишларига киришиб кетади. Бизни соат 16-17 гача болалар бу ерда зеркиб қолмасмикин, деган савол қизиқтирди. 1-синф ўқитувчиси Назокат Имомова буни шундай изоҳлади:

— 22 нафар ўқувчининг барчаси мажмуамиздаги боғчада тарбиялангандир. Бизга бу томони жуда қулай. Чунки, боғчада мактаб учун база яратилади. Тайёргарлиги яхши болалар билан ишлаш эса ҳеч ҳам қийин эмас. Ва улар ўқувчи бўлганларидан сўнг ҳам боғчадан бирдан узилиб қолмасдан, секин-аста мактаб шароитига кўникишади. Айниқса, ўқувчиларимда дарс пайтида уйга вазифани тайёрламадим, китоб-дафтарим қолиб кетибди, деган муаммолар пайдо бўлмайди. Умуман, уларга мазза! Чунки бошланғич синф ўқувчиларининг ҳам бўш вақтини унумли банд этиш, ёшлиқданоқ уларни бекорчиликдан узоқлаштириш йўллари боғча-мактаб мажмуалари фаолиятида асосий ўрин тутди.

ОРЗУЛАР УШАЛМАЙ ҚОЛМАСИН

“Саёҳат”имизнинг энг сўнггида мазкур боғча-мактаб мажмуаси раҳбари Дилбар Фуломовадан шу муассасанинг паст-баландига гувоҳ бўлаётган инсон сифатида бажараётган ишларидан қанчалик даражада қониқиб ҳосил қилаётганини сўрадик.

— Шунча бўлди, хўжа бўлди, дейишганидек, эришган ютуқларимиз ўз йўлига. Лекин, бажарганларимиздан ҳали тўлиқ қониқганимизча йўқ. Чунки, авваллари боғчадаги тарбияланувчиларимизнинг мактабларга чиққан билим олишларида узилиш пайдо бўлишининг олдини олиб, бошланғич синфларни ташкил этган эдик. Эндиликда яна худди шундай муаммо пайдо бўлаяпти. Яъни 4-синфни битирган ўқувчиларимиз турли мактаб, гимназияларга бориб, ўрганиб қолган муҳитидан анча чалғияптилар. Бу ерда жамоамиз кўзлаган узлуксизлик мароми узилиб қолаётгандай. Шунинг учун ҳам биринчи мақсадимиз каттароқ бинода иш бошлаб, боғча-мактаб мажмуамизни мактабгача таълимни ҳам қамраган ҳолда тўлиқ умумий ўрта таълим мактабига айлантирмоқчимиз. Бу борадаги ҳаракатларимизни бошлаб юборганмиз. Яқин кунларда айни масада доирасидаги лойиҳаларимиз тегишли ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланса, амалга оширишдаги меҳнатлардан қочмаймиз. Ундан кейин замонавий ўқувчи ўқийдиган мактабни теннис корти, сузиш ҳавзаси, тренажёр залисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Исроил давлатида бўлиб, у ердаги мажмуаларнинг шарт-шароитларини ташкил этишини ўрганиб, тажриба алмашиб қайтдим. Шуларга асосланиб келгусида мажмуамизда уларникидан кам бўлмаган муҳит яратиш учун ҳозирдан иш бошлаганмиз. Биласизми, танганинг икки томони бўлганидек, боғча-мактаб мажмуалари фаолиятида ҳам ўзига яраша камчилик ва ютуқлар бор. Камчиликларни йўқотишининг иложини топса бўлади. Фақатгина жамоа ходимларида кунт ва ҳафсала бўлса бўлгани. Энг катта ҳал қилиниши керак бўлган ташкилий масалалар ана шулардир. Қолган ишларни қилиш учун бизга куч-қувват ва сабр-тоқат етарли бўлса кифоя...

Суҳбат ниҳоятда жамоанинг орзулари орзулигича қолмасин дея ният қилдик.

Насиба ЭРХОНОВА,
“Маърифат” муҳбири



Таниқли адабиётшунос ва навоийшунос олим, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, икки марта Абу Райхон Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори, филология фанлари доктори, профессор, “Буюк хизматлари учун” ордени соҳиби Абдуқодир Ҳайитметов 1926 йили Фарғона вилояти Данғара туманининг Қиёлик туманида таваллуд топган.

1930 йилдан бошлаб оилавий шароит тақозоси билан Тошкентда яшай бошлаган ва ўрта мактабни ҳам шу ерда тугаллаган. 1944-1949 йилларда собиқ Ўрта Осиё Давлат университетининг шарқ факультетида тахсил олди. 1955 йилда “Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари” мавзuida номзодлик, 1965 йили эса “Алишер Навоийнинг ижодий методи” мавзuida докторлик диссертацияларини ёқлади.

1953 йилдан шу кунга қадар олим аввал илмий ходим, сўнг Тил ва адабиёт институтининг илмий ишлар бўйича директори муовини, ўзбек мумтоз адабиёт тарихи бўлимининг муди-

Mehmonxona



ва унинг таржимаи холи, ижоди тўғрисида Олим Шарафиддинов, Ойбек, Садриддин Айний, Ҳамид Олимжон, Тўхтасин Жалолов, Мақсуд Шайхзода, Юнус Латиф каби олимларнинг ёзган мақолалари шахсан менда яхши таассурот қолдирган. Хусусан, Уйғуннинг “Чор девон”га ёзган катта сўз бошиси ва унда Навоийдан келтирилган:

Кавкаб эрмас, пахталар тикмиш қулоғига сипехр. Ул қуёш ҳажрида тунлар баски афғон айладим...

Анжум эрмаским, тушубдур чарх кўзгусида акс, —

— Домла, дастлаб таълим олган устозларингиздан кимларни эслайсиз? Биринчи ўқитувчингиз хотирангизда қандай қолган?

— Биринчи ўқитувчим Мансур ака деган киши бўлиб, ўзига ҳам, бизга ҳам ниҳоятда талабчан эди. Дарсга вақтида кирар, у дарс ўтаётганда пашша учса биланар, тиқ этган овоз эшитилмас, дарсга ҳамма болалар яхши тайёрланиб келарди. Шунинг учун синфимизда қолоқлар бўлганини эслолмайман. Интизом масаласида менда бирор фазилат бўлса, бу аввало, ўша кишидан менга ўтган.

Мени адабиёт ва адабиётшуносликка йўналтирган устозларим битта бўлган, десам тўғри бўлмас. Бунда, менимча, аввало оилавий муҳитнинг аҳамияти катта бўлди. Хусусан онам — Исроилова Хайринисо эскичага ўқиган, озгина вақт топса китоб ўқир, яхши алла айтар эди. Мен эса унинг ўқиганига ҳам, алласига ҳам берилиб қулоқ солар эдим. Аҳмад Яссавий ҳикматларига, “Иброҳим Аҳмад” каби китобларга унинг ихлоси бошқача эди. Такрор-такрор ўқир, меъдасига тегмас, баъзан йиғлаб ўқир, унинг ўқишларидан мен ҳам таъсирланиб, кўзимдан ёш чиқиб кетган вақтлар кўп бўлар эди.

Ўқитган муаллимларимдан Теша Раҳимов деган киши яхши дарс ўтарди. Ўзи туркистонлик эди. Мен унинг гапларига қулоқ солиб, саволларига ҳам ҳар гал яхши жавоб берар эдим, кўп вақт бошқаларга мени ижобий мисол қилиб кўрсатарди. Кунларнинг бирида орамизда катта англашилмовчилик юз берди. Мен Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романи ҳақида кўп яхши гаплар эшитган эдим. Аммо ўзини ўқимаган эдим. Чунки уни ўқиш тақиқланган, уйимизда бу асарнинг ўзи ҳам йўқ эди. Кунларнинг бирида Темир исмли ўртоғим бу роман уларнинг уйида борлигини айтди. Илтимос қилган эдим, олиб келиб берди. Ҳамма ишимни кўйиб, уни ўқишга киришиб кетдим. Мактабга олиб бориб, танаффус вақтида қоғоз билан ўралган бу китобни ўқиб ўтирар эканман, Теша Раҳимов ўқиши, интизоми кейинги вақтда бўшашиб кетган бир болага мени ибрат қилиб деди:

— “Мана, кўрдингми, танаффус вақтида ҳам бекор ўтирмасдан китоб ўқияпти”. Айни вақтда уни менинг қандай китобни ўқиётганим қизиқтириб қолди ва олдимга келиб, мен ўқиётган китобни қўлига олиб кўрмоқчи бўлди. Мен бермадим. Унинг жажли чиқиб, китобни қўлимдан куч билан тортиб олди. Китобнинг номини кўриб, унинг ранги оқариб кетди ва китобни қўлида ушлаганича директорнинг хонасига йўл олди. Мен гапнинг нимадалигини тушундим. “Бировнинг китоби эди. Қайтариб беришим керак. Илтимос! Беринг!”, дедим унга ялиниб. Гапимни эшитгиси ҳам келмади. Бу аҳволдан директор — Ҳожимурод ака Исаев ҳам хафа бўлди. Лекин илтимос қилиб, китоб бировники эканини айтиб, китобни унинг қўлидан тортиб олдим ва чошиб, коридорга чиқиб кетдим. Юз берган воқеадан хабар топган

синфдошларим эса китобни дарҳол қўлма-қўл бир-бирига узатиб юборишди. Эртасига эса мактаб директори, ўқиш бўлими мудири, синф раҳбари, адабиёт муаллими менга қаттиқ дашном беришгани ҳамон эсимда.

Теша Раҳимовдан кейин бизга адабиётдан дарс берган Зуфар Мирзакаримович Бадилов айниқса, Сўфи Оллоёрдан:

Шариатсиз киши учса самоға, Кўнгул берма анингдек худнамоға...

Қиличдан тез, қилдан эрур ингичка.

Пушаймонлар тушар ўшал кун ичка —

каби байтларни баланд овоз билан чиройли қилиб ўқир, биз

ДАРЁЛАР ҚУЙИЛГАН УММОН

маза қилиб эшитар эдик. Лекин булар мумтоз адабиёт асарларини тушуниб етдим, деган гап эмас эди.

— Сиз кўпни кўрган устоз олимлардансиз. Сизнинг мумтоз адабиётимиз таҳлили, тарғиботига доир илмий-ижодий ишларингизни халқимиз қониқиш билан мутлоқ қилади. Айтингчи, навоийшунос бўлишдек юксак ҳавас кўнглингизда қачон туғилган?

— Мен мактабдаёқ газета ва журналларни кетини узмай ўқир, мумтоз шоирларимиз асарларини эса луғатлар ёрдами билан тушинишга ҳаракат қилар эдим. Шу жараёнда менинг ўрта мактабдаёқ Навоий асарларини аниқ тушинишга интилишим жиддийлашган эди. Чунки Навоийнинг ҳар бир байтида ҳаёт тасвири, инсон дарди, ўй-хаёллари ёрқинроқ акс этган. Шеррий жумлаларни тўғри тушунмасдан улардан тўла баҳраманд бўлиш қийин. Масалан, Навоий “Фарҳод ва Ширин” дostonида Фарҳоднинг отаси — Ҳоқоннинг қариганини, унда ўз ўрнини ўғлига бўшатиб бериш нияти кучайиб бораётгани тўғрисида сўзлар экан:

Соқол оқи ўлимга пешравдир;

Тириклик сабзаси узра қиравдир — деб ёзади. Биргина шу байтнинг ўзида жонли ҳаёт манзараси, чуқур фалсафий тафаккур, инсон дарди ҳаққонийлик билан гавдалантирилган. Навоий дostonларини эса шундай байтларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Мен ўша даврдаги навоийшунос олимлар ва шоирларимизнинг мақолалари мазмунини ҳам тўғри ўқишга қаттиқ ҳаракат қилар эдим. 30-йилларнинг охири ва 40-йилларнинг бошида Навоий

Баски ёғди ғам туни ер узра ашким жоласи —

каби байтлар, уларнинг адабий талқинлари юрагимга ўнмас чўғлар солган эди, десам муболага бўлмас. Менинг биринчи устозларим ҳам шулар.

Навоийшунос олим сифатида эса мен Навоий ҳақида номзодлик ва докторлик диссертациялари ёзиш жараёнида шаклландим, десам бўлади.

— Улуғ шоиримиз номини ҳаммамиз катта эҳтиром билан тилга оламиз. Бироқ унинг ижодиёти моҳиятидан барча бирдай хабардор, дея олмаймиз. Бу борада бугунги кунда турли хил таклифлар билдирилмоқда. Улар орасида шоир дostonлари, ҳатто газалларининг бугунги тилдаги табдили, насрий баёнлари бўлиши керак, деган гаплар бор. Сиз бу фикрларга қандай қарайсиз?

— Мен бундай фикрларга ижобий қарайман. Негаки, Навоий ўзбек адабиёти тарихидаги энг ўзига хос, бошқаларга ўхшамаган, қамрови кенг, услуби мураккаб шоир бўлиб, кейинги ҳамма даврларда унинг асарларига бир қанча махсус луғатлар тузилган. Бунга Тольеъ Имонийнинг “Бадоеъул-луғат”, номаълум муаллифнинг “Абушқа”, Мирза Меҳдихоннинг “Санглох” ва бошқа луғатлар ёрқин мисол бўла олади. Навоий даврида бошланган бу иш ҳозиргача давом этиб келмоқда. Чунки Навоий асарларига қизиқиш доим кучли бўлиб, у олға сурган фикр ва гоғлар ҳамон кишиларни ўзига тортиб келмоқда, улардан фақат туркий халқлар эмас, балки бошқа халқлар ҳам турли мақсадларда истифода этиш ниятида. Бинобарин, унинг турли адабий жанрларга оид асарларини шарҳлаш, изоҳлаш ҳам, шеър

ри, илмий маслаҳатчи лавозимларида ишлаб келмоқда. У “Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари” (1959), “Навоий лирикаси” (1961), “Навоийнинг ижодий методи масалалари” (1963), “Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан” (1970), “Мерос ва ихлос” (1985), “Ҳаётбахш чашма” (1974), “Табаррук излар изидан...” (1979), “Навоийхонлик суҳбатлари” (1993), “Темурийлар даври ўзбек адабиёти” (1996), “Адабий меросимиз уфқлари” (1997) номли мақолалар тўпламлари билан ҳам таниш.

Кейинги йилларда А.Ҳайитметов Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозийнинг (XIV-XV асрлар) “Фунун ул-балоға” номли илмий асарини катта сўзбоши билан нашрга тайёрлаган, бу асар “Ўзбек тили ва адабиёти” журналининг 2002 ва 2003 йилдаги сонларида эълон қилинмоқда. 2003 йилда А.Ҳайитметовнинг “Ишқим чечаклари” номли шеър

арларининг насрий баёнларини яратиш ҳам ҳаводек зарур. Кўпчиликнинг истагига қарши бориш эса зарардан бошқа нарса келтирмайди. Бу кунгача Навоий дostonлари ва “Муҳокаматул-луғатайн”нинг насрий баёнлари яратилган, холос. Бироқ шоир девонлари тўғрисида бундай дейиш қийин. Навоийнинг 3000 дан ортиқ шеъри бўлса, уларнинг аксарияти махсус шарҳланмаган ва изоҳланмаган. Шу билан бирга табдиллар ҳам, шарҳ ва изоҳлар ҳам муаллиф матнидан айри ҳолда берилган. Яъни Навоий асарлари матни билан ёнма-ён берилмаган.

— Бугунги кунда ёш авлод тарбияси педагог-муаллимлар зиммасига катта масъулият юкламоқда. Ёшлар

— Мен бадий ижод билан болалигимдан бошлаб шуғулланиб келганман. Ёзган нарсаларимнинг баъзиларини эълон қилсам, кўпларини ташлаб юбормасдан, йиғиб юрганман. “Меҳру муҳаббатлар” деган биринчи ҳикоям 1949 йили “Шарқ юлдузи” журналининг 1-сонидан эълон қилинган эди. Хусусан, кейинги йилларда нафақа ёшига етганимдан кейин, расмий вазифаларим биров энгиллашиб, кўпдан буён ўйлаб юрган ижодий режаларимни амалга ошира бошладим. Матбуотда “Бўрилар увлашган кеча” номли қиссам, “Омонат”, “Эржигит”, “Ваъзхонлик кунларим”, “Игна учидан”, “Юлдузлар тўқнашганда” каби ҳикояларим чиқди. Ўтган йили “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси менинг “Ишқим чечаклари” деган шеър

ий тўпламимни нашр этганидан беҳад хурсандман. Мазкур тўпламга бир неча ижобий тақризлар ҳам босилди. Менинг учун бадий ижод ҳам ички эҳтиёж билан боғланган. Яъни ёзгим келган нарсани ёзмай туролмайман.

— Навоийшунослик фани олдида турган долзарб вазифалар ҳақида нима дейсиз? Бу соҳада ўзингиз кейинги пайтларда қандай мавзулар устида ишляясиз?

— Мен Навоийнинг шеър

ий маҳорати, ижтимоий-фалсафий тафаккури билан боғлиқ муаммолар, тасаввuf масалаларини янада кенгроқ ва чуқурроқ ўрганиш зарур деб ҳисоблайман. Чунки Навоий бадий ижодни маҳоратсиз, жамият ҳаётини ижтимоий-сиёсий муаммоларсиз тасаввур эта олмаган. Бу соҳадаги у эришган ютуқлар, у муҳоқамага олиб чиққан масалалар ўз даврида қандай долзарб бўлса, ҳозир ҳам шундай муҳим. Бу масалаларни буюк шоир инсонпарварликнинг баланд чўққиларида туриб ёритган. Мен эса кейинги пайтларда Навоийнинг дostonлари билан боғлиқ бадий услуби масалалар билан кўпроқ шуғулланмоқдаман. Чунки шу пайтгача бу масалалар жуда кам ўрганилган. 2001 йили “Навоийнинг ижод олами” тўпламида (“Фан” нашриёти, Т., 2001) “Хайратул-аброр”да услуб рангбаранглиги деган илмий тадқиқотим эълон қилинди. Худди шу йўналишдаги “Фарҳод ва Ширин” дostonи билан боғлиқ тадқиқотимнинг ҳам эълон қилиш таррадудидаман. Навоийнинг лирик асарлари услуби масалалари ҳам мени жуда қизиқтиради. Чунки шоир маҳоратини бусиз тасаввур этиш қийин.

— “Ma'rifat” муштарийларига, муаллимларга қандай тилакларингиз бор?

— “Ma'rifat” газетаси тобора қизиқарли ва сермазмун бўлиб бормоқда. Унинг қандай бўлиши кўп жиҳатдан муштарийларга ҳам, уларнинг талабчанликларига ҳам боғлиқ. Лоқайдлик, бепарволик — доим бизга ёт бўлмоғи керак. Бизнинг муаллимларимиз эса жамиятимизнинг энг ардоқли кишилари. Улар ҳар қандай қийинчиликларга қарамай, ўзларининг кадр-қимматларини доим юқори тутишлари керак! Уларнинг ҳар бирига бахт ва омад тилайман.

Суҳбатдош:
Аҳмад ОТАБОЕВ

Tahlil

Кадрлар тайёрлаш соҳасида мажбурий тақсимотдан воз кечиш ишга жойлаштириш жараёнини ўз ҳолига ташлаб қўйиш дегани эмаслиги Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан алоҳида эътироф этилмокда. Мутахассислар меҳнат бозорининг ривожланиши рақобатбардош, сифатли кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилишини талаб қилади. Олий таълим муассасалари маркетинг хизмати бўлимларининг мутахассислар меҳнат бозори конъюктурасини ўрганиш, уни ривожлантириш борасида олиб бораётган ташкилий-тарғибот ишлари ижобий натижаларга олиб кела бошлади. Масалан, 2002 йилда олий таълим муассасаларини битирган 2960 нафар магистрдан 2199 нафари ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашган (74,3%), 322 нафари аспирантурада ўз илмий фаолиятини давом эттирмокда (10,9%), 356 нафари эса мустақил тарзда иш билан таъминланганлик тўғрисидаги ҳужжатга эга. Қолган 83 нафар магистр ҳозирча иш билан таъминланмаган. Қўшма корхоналар аксарият ҳолларда магистр-битирувчиларни ишга жалб этмокдаларки, бу тайёрланаётган кадрлар сифати бир мунча юқорилигидан далолат беради.

Бакалавриятнинг кундузги бўлимларини битирган ёшлар тақдири қандай, деган савол ҳам туғилиши табиий. Ҳозирга қадар 20938 нафар бакалавр иш билан таъминланганлик тўғрисида ҳужжатларга эга. Уларнинг асосий (94,6) фоизи буюртмалар асосида тайёрланган кадрлар бўлганлиги сабабли ишга жойлашишда муаммо туғилмаган. Бу маркетинг хизмати бўлимларининг саъй-ҳаракати билан боғлиқ бўлиб, умумий натижага кўра, бакалаврларнинг 93,4 фоизи, магистрларнинг 95,6 фоизи ўз мутахассисликлари бўйича иш билан таъминланган. Айни пайтда магистратура ва аспирантурада ўқишни давом эттиришга эҳтиёжнинг ортаётганлиги ҳам кузатилмокда.

Ҳозирги вақтда ОТМдаги буюртмалар портфелида 80 мингдан ортқ буюртмалар мавжуд. Қишлоқ ва сув хўжалиги, юриспруденция, маданият ва санъат, сервис соҳаларида ёш мутахассисларнинг иш билан таъминланиш даражаси анча юқори эканлигини кузатиш мумкин.

Бакалавр битирувчиларнинг ишга жойлашиш кўрсаткичларини айрим вазирликлар бўйича таққослаганимизда, жуда паст фоизларни кузатиш мумкин. Ташқи ишлар вазирлиги бўйича 10,7, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида 12, Халқ таълими вазирлигида 14,6,

ва ташкилотлар томонидан берилган буюртмалар, бажарилмай қолаётганлиги сабабли юзага келганлигини эътироф этиш лозим.

Иш билан таъминланган ёш мутахассислар мониторингини олиб бориш мақсадида корхона ва ташкилотлардан тақризлар олинди. Молия ва банк соҳасида фаолият юритаётган ёш мутахассислар замон талаблари даражасида билимга эга. Ёш мутахассисларнинг интеллектуал савиясини янада кўтариш учун олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларнинг қисқа муддатли малака оширишини банк ва молия муассаса-

борга олиш, ўқув режа ва дастурларининг мослашувчанлигини таъминлашда танлов фанлари рўйхатини кенгайтириш тақозо этилади. Бу эса ишлаб чиқариш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кадрлар тайёрлаш имкониятини беради.

Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги мутахассисларни тайёрлашда минтақавий тақсимот механизминини ишлаб чиқиш кадрларнинг ўз иш ўринларини топиб кетишида муҳим аҳамиятга эга, дейилмокда.

Юриспруденция йўналишида ёш мутахассислар тайёрлашда кадрларнинг соҳа органларида иш тажрибасига эга бўлиши алоҳида аҳамиятга эга. Демак, талабаларни бошланғич курсларданок ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда амалиёт ўташига етарли эътибор қаратилиши лозимлиги бу соҳа ходимлари томонидан алоҳида таъкидланапти.

Тиббиёт муассасаларидан келган тақризларда олий маълумотли медек учун бакалаврлик даражаси етарли эмаслиги, кўпроқ магистр-врачлар тайёрлашни йўлга қўйиш зарурлиги кўрсатилган. Талабалар шифо масканларида бевосита кичик тиббиёт ходими сифатида кўпроқ ўз фаолиятларини бошлаши лозим.

Маданият ва санъат соҳасидаги битирувчиларга нисбатан чет тили ўқитиш соатларини қайта кўриб чиқиш тақлиф этилмокда. Улар бир неча тилда ижод қила олишлари лозим.

2003 йилда олий таълим муассасаларини 42,2 минг киши битириши кутилмокда, улардан 8,8 минг нафари таълимнинг педагогик йўналишлари бўйича. Кадрлар тайёрлаш сифатини янада кўтариш, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий соҳаларини малакали мутахассис билан таъминлашда юқоридаги сингари тақлиф ва тақризлар, албатта инобатга олиниши зарур.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги иқтисодиёт, инвестиция ва маркетинг хизмати Бош бошқармаси

БИР ҚЎЛИДА ДУНЁ,
ИККИНЧИСИДА
БЕШИК

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бўлиб ўтган "Аёл ва келажак" мавзусидаги давра суҳбатига республикамизда фаолият кўрсатаётган хорижий ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари рафиқалари, барча соҳаларда хизмат қилиб келаётган хурматга сазовор аёллар тақлиф қилинди.

Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, Дунё хотин-қизлари билан алоқа қилиш уюшмаси ва институт раҳбарияти ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбир қадимдан ардоқлини келинган аёл зотининг қадр-қимматини яна бир бор тан олишга бағишланган бўлса, ажаб эмас.

Иштирокчилар ўзбек аёли раҳбарлик қилиб келаётган мазкур институтнинг замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланганлигини мамнуният билан қайд этишди.

Tadbir

— Аёл нафақат она, уй бекаси, қолаверса, у доно, оқил раҳбар сифатида ҳам фаолият кўрсатмокда. Институт ректори Х.Алимова саъй-ҳаракатлари билан бу ерга 6 млн. АҚШ доллари миқдоридagi хорижий сармоя олиб келинди. Айниқса, даргоҳнинг халқаро ташкилотлар билан доимий ҳамкорлиги унинг салоҳиятини, нуфузини янада оширапти, — деди меҳмонлар номидан сўзга чиққан Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф.Абдурахимова.

Иштирокчилар бу ердаги тарих музейи, компьютер маркази, хорижий мамлакатлардан келтирилган замонавий техника ва технологиялар ҳамда олим ва мутахассисларнинг кўрғазмалари билан танишдилар.

Фаррух БЎТАЕВ,
"Маърифат" мухбири

БАКАЛАВР
ВА МАГИСТР
У ЎЗ ИШ ЎРНИГА ЭГА
Бўлаяптими?

Соғлиқни сақлаш вазирлигида 5,4, маданият ишлари вазирлигида 11,3, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитасида 34,3, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акционерлик компаниясида 23,1, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида 8 фоизни ташкил этиши бу идораларнинг кадрлар сиёсати билан етарли даражада қизиқмаётганлигини кўрсатади.

Магистрларнинг ўз мутахассисликлари бўйича иш билан таъминланиш кўрсаткичлари ҳам юқоридаги вазирлик ва тармоқ идораларида қувонадиган даражада эмас.

Тошкент давлат авиация, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия, Нукус давлат педагогика, Тошкент темир йўл транспорт муҳандислари институти битирувчиларининг ишга жойлашганлик кўрсаткичлари ҳам анча пастлиги сезилапти. Бу ҳолат иш берувчи корхона

ларида ташкил этиш, диплом иши ва магистрлик диссертациялари мавзуларини мазкур муассасалар мутахассислари билан келишган ҳолда танлаш мақсадга мувофиқдир.

Инженерлик, қайта ишлов бериш, қурилиш ва архитектура соҳаларида фаолият кўрсатаётган мутахассисларнинг касбий билимларини янада кўтариш, жаҳон сифат мезонлари даражасига олиб чиқиш учун уларнинг амалий машғулотларини бевосита ишлаб чиқаришда кўпроқ ўтказилишига эришиш, иқтидорли ёшларнинг бевосита дунё тажрибалари билан танишишига эътибор қаратиш лозим. Махсус фанлар учун ажратилган соатларни кўпайтириш, профессор-ўқитувчиларнинг ишлаб чиқаришда малака оширишларида алоҳида эътибор қаратиш тақлиф этилмокда.

Иш берувчи — истеъмолчилар талаб ва истакларини эъти-

МУҲОКАМАДА — ТАЙЁРГАРЛИК

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Марказида бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлари УМКХТ бошқармалари бошлиқлари ҳамда мутасадди ходимлар иштирок этдилар.

Йиғилишда асосан жорий йилда Андижон вилоятида ўтказиладиган "Баркамол авлод" спорт мусобақаларининг якуний босқич ўйинларига қўрилатган тайёргарлик жараёнлари муҳокама қилинди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, марказ раҳбари Жуманазар Ҳусанов бу борада

диган 800 дан зиёд ҳар бир вилоят вакилининг ўзига хос ранг ва қиёфада спорт либоси, парад формалари бўлиши лозимлиги ва улар билан қатнашувчиларни тўла таъминлаш, шунингдек, ҳакамларнинг махсус либосларини ишлаб чиқиш, машъалани ёқиш ва белгиланган ҳудудлар — Тошкент, Наманган ва Андижон вилоятларидан олиб ўтиш сценарийси ва ишчи харитасини тайёрлаш, машъалани олиб ўтувчи ўқувчиларни енгил атлетикачилар формаси билан таъминлаш лозимлиги айтилди.

Спорт байрами доирасида "Ёш рассомлар" танлови ҳамда республикамизнинг турли минта-

Истиқлол йилларида мамлакатимизда иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг, маданий ва маънавий янгиланишнинг кенг истиқболлари очилди. Иқтисодиётни тубдан ислох этиш, шу қаторда унинг ажралмас қисми бўлган солиқ сиёсатини такомиллаштириш, уни босқичма-босқич ривожлантириш, ҳуқуқий асосини яратиб беришга алоҳида эътибор қаратилди. Солиқ тизимида тузилмалар кенгайтирилиши, соҳа мутахассисларига эҳтиёж ортди. Давлат солиқ хизмати органлари учун малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида 1998 йил Тошкентда солиқ коллежи ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентини И.Каримов ташаббуси билан ташкил этилган мазкур коллеж солиқ тизими доирасида фаолият кўрсатиш орзусидаги ёшларнинг таълим олишлари, малака оширишлари учун кенг имкониятлар яратилди.

Солиқ коллежи айни кунда ҳарбийлаштирилган ўрта махсус таълим муассасаси бўлиб, бу ерда асосан курсантлар тахсил оладилар. Бу ерда ўқув муддати ҳарбий хизматни ўз ичига олади ва таълим давлат грантлари асосида амалга

оширилади. Коллежга тўлиқ ўрта маълумотга эга бўлган йигит-қизлар қабул қилинади. Ўқув муддати 2 йиллик тахсил жараёни ва 1 йил солиқ идораларида амалий синов жараёнидан иборат.

Курсантлар ўқув жараёнида бепул қийим-бош, озик-овқат, стипендия билан таъминланади. Битирувчиларга "Солиқ ва солиққа тортиш" йўналиши бўйича махсус ўқув юрти-

зифаларидан биридир. Тошкент солиқ коллежи жамоаси шу мақсад йўлида фаолият олиб бормокда. Ватанига, халқига, ўз касб бурчига содиқ, юқори малакали солиқ хизмати ходимларини тайёрлашга ўз ҳиссасини қўшмокдалар.

Коллежда таълим-тарбия бериш замонавий усуллар асосида йўлга қўйилган. Ҳарбий ва жисмоний тайёргарлик кафедралари мавжуд. Уларда 12 нафар

Коллеж педагогик жамоаси таълимнинг илғор, самарали усул ва услубларини излаш, янги дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратиш билан ҳам шуғулланмокдалар.

Шу мақсадда Олмониянинг Ансбах шаҳрида жойлашган молия-солиқ мактабининг иш тажрибалари билан яқиндан танишдилар. Давлат солиқ кўмитаси ва Олмония техника тараққиёти жамяти ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик туфайли "Солиқлар" ўқув қўлланмаси яратилди. Ўз навбатида ушбу мамлакат солиқ тизими мутахассислари ҳам ўзаро тажриба алмашиш мақсадида бир неча мартаба Тошкент солиқ коллежига ташир буюрдилар.

Коллежда курсантларнинг ўз-ўзини бошқариш органи — "Курсантлар Кенгаши", "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати иш олиб бормокда. Бу ерда тахсил олаётган курсантлар бокс, футбол, таэквандо, якка кураш, қўл жанги, стол тенниси бўйича республика мусобақаларида фахрли ўринларни эгаллаб келмокда.

Марҳабо
ИСРОИЛОВА,
коллеж ўқитувчиси

СОЛИҚ
ХИЗМАТИГА ЕТУК
МУТАХАССИСЛАР

ташкилий кўмита ҳамда махсус ишчи гуруҳи аъзолари томонидан кенг кўламли ишлар бажарилаётганини таъкидлади. Шунингдек, мазкур спорт байрами сабаб вилоятларда қад қўтарган замонавий ўрта махсус таълим муассасалари кўркига кўрк, чиройига чирой қўшилиб, янада ободлашиб бораётганига урғу берди. Шу боис, бу улкан тадбирда ҳар бир таълим муассасасининг раҳбар ходими ўзини масъул ҳис қилиб, бу ишларга камарбаста бўлиши лозимлиги уқтирилди.

Мажлисда спорт мусобақалари финал босқичи ўйинларини кўнглидагидек ташкил этиш учун зарур бўлган асосий вазифалар белгиланди. Чунончи, мусобақа финал босқичида иштирок эта-

қаларида фаолият кўрсатаётган касб-ҳунар коллежларида тайёрланаётган саноат маҳсулотларининг ярмаркаси ўтказилади ва бунга ҳар бир вилоят бўйича мутасаддиларга алоҳида топшириқлар берилди. Шу билан бирга, тадбир иштирокчиларининг ҳавфсизлиги ва саломатлигини таъминлаш мақсадида вилоятлар делегацияси таркибига ички ишлар ходими ва шифокорлар бириктирилиши зарурлиги белгиланди.

Йиғилишда "Баркамол авлод" мусобақаларига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи раиси Рустам Ниматов, Андижон вилояти УМКХТ бошқармаси бошлигининг ўринбосари Абдумалик Ҳошимовларнинг ҳисоботи тингланди.

Муҳаммадjon ИСРОИЛОВ

Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти қадимшунос олимларининг узоқ йиллар мобайнидаги меҳнати самаралари туфайли Холчаён ва Далварзинтепалардан топилган топилмалар замонавий санъат маркази қурғазмалари залида намойиш этилди. Уларни томоша қилган санъат мухлислари тасвирий ва амалий санъатимиз илдизи ниҳоятда

театр санъатига хос экспонатларни, яъни масҳарабоз, актёр, саз чалаётган созанда, қушиқ айтаётган хонанда, рақсга тушаётган раққос ва раққосалар ҳайкалларини ҳам кўриш мумкин. Шунингдек, ҳайкалтарошлик санъатида турли шакл-шамойиллар, шоҳ ва шаҳзода бош тасвирлари ҳам учрайди.

Далварзинтепа топилмаларида ҳам худди шун-

СУРХОНДАРЁНИНГ КЎҲНА МАДАНИЯТИ

теранлигини англаб олишди. Холчаён топилмалари қадимда хунармандчиликнинг ҳамма турлари ривожланганидан дарак беради. Турли хил қотишмалардан яратилган буртма ва деворий тасвирлар бизгача сақланиб қолган. Улар милоддан аввалги I асрга оид чавандоз ва жангчи ҳайкали, эркак киши боши, юнон паҳлавони Геракл қиёфасининг бош тасвири, турли ҳаракатлар акс этган қўллар тасвирларидир. Бу топилмалар орасида

дай тасвирий санъат намуналарини кўриш мумкин. Булар хумча, куза, сопол коса, сопол тоғора, лаган, кузачалар, қушқулоқ сопол идиш, хурмачалар, қаймоқ косалар ва урчуқ тошлари ҳамда будда ибодатхонасига ишланган илоҳий тасвирлар ва меъморчилик қолдиқларидир. Уларни томоша қилар эканмиз, Далварзинтепа хунармандлар юрти булганлигига амин буламиз.

Маҳмуд АҲМЕДОВ,
санъатшунос

ТОЛЕРАНТЛИК ВА МИССИОНЕРЛИК

Ҳозирги кунда юртимизда ҳаммаси бўлиб 17 та диний йўналиш, 2039 та диний ташкилот, 7 та диний марказ, 2 та монастыр ва 13 та диний ўқув юртлари мавжуд. Бу рақамлардан ҳам кўриниб турибдики, юртимиз кўп миллатли, кўп динли диёрдир. Шунинг учун ҳам миллатлар ва динлар ўртасида келиб чиқиши мумкин бўлган низоларнинг олдини олиш, кишилар онгига "миллатлараро тотувлик", "диний бағрикенглик" каби тушунчаларни сингдириш — бугуннинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Чунки, глобаллашув жараёни давом этаётган ҳозирги даврда миллатлараро ва динлараро тотувлик, халқаро тинчлик нафақат юртимиз учун, балки, бутун дунё учун ҳам гоёта муҳимдир.

Бағрикенглик тамойилларининг олийжаноб шартларидан бири муайян дин вакили бошқа диндаги кишининг эътиқодини ҳурмат қилиши, ўз дунёқароши, эътиқодини баланд тутмаслиги, "Сенинг динингнинг мана бундай камчиликлари бор, менинг динимда мана бундай афзалликлар бор", деб ўз динига даъват қилмаслигидир. Ўзга диндаги кишиларни ўз динига даъват қилишга қонунаригимиз бўйича "миссионерлик" дея баҳо берилмади ва бу турдаги фаолият "Виждон эркинлиги тўғрисида"ги янги таҳрирдаги қонуннинг 5-моддасига кўра таъқиқланади. Модомики, шундай экан, миссионерлар фаолиятига тўсқинлик қилмай, жим қараб туриш — бу диний бағрикенглик эмас, диний ҳамиятсизликдир! Чунки бир диндаги киши ўзга эътиқоддаги бир кишига, қонунаригимизга кўра, ўз динини даъват қилишга умуман ҳаққи йўқ.

Абдурашул ЯХШИБОВ,
Нўмон АТАБАЕВ,
Тошкент ислом университети талабалари

БУВИМНИНГ ЭРТАКЛАРИ — КАСБИМНИНГ КУРТАКЛАРИ

Болалик давримизда бувимизни ҳоли-жонларига қўймай эртақ сўзлаб беришини сўрар эдик.


— Эртақ тинглашни хоҳласангиз, — дердилар бувижонимиз, — аввал эртақлардаги меҳнаткаш "Уч оға-ини ботирлар" каби сув идишларни тўлатиб, мол-қолларга қараб келинлар.

Биз эртақ тинглаш иштиёқиди ҳамма ишларни бажарар эдик. Бувижонимиз бажарган ишларимизга баҳо бериб, сўнгра эртақ айтишни бошлар эдилар.

Шундан сўнг мен узоқ вақтларгача эртақ таъсирида юрардим. Ўша эртақларда тасвирланган қаҳрамонлардай ақлли бўлишни ва кўп тилларни билишни ҳамда бу тилларни болаларга ўргатишни орзу қилардим. Ҳаттоки, ўзимни устоз тасаввур қилиб маҳалламиз болаларини йиғиб, катта патнисни доска қилиб унга ҳарфлар ёзар, ҳисоб-китобдан сабоқ берар эдим. Мана йиллар ўтиб, орта назар ташлар эканман, бувимнинг эртақлари касбимга бўлган қизиқишларимнинг илк куртаклари эканлигини англагандай бўлам.

Рихсихон НУРМАТОВА,
Оҳангарон туманидаги 33-мактаб ўқитувчиси

«Ma'rifat»ga maktublar



Иллат излаганга
иллатдир дунё,
Фурбат излаганга
гурбатдир дунё.
Ким нени изласа
топгай бегумон,
Ҳикмат излаганга
ҳикматдир дунё.

Азизлар, узида кенг маъноларни қамраб олган ушбу туртликнинг

ран маъноларни мужасам этган. Инсон ҳаёти ички кечинмалар, ички ҳиссиётлар билан гузалдир. "Яхши сўз — жон озиги" дейдилар. Гузал бир ҳикояни уқиш, ажойиб мазмундор сузларга бой ҳикмат эшитиш вақти келганда бир қушиқни тинглаш,

БАРЧА НАРСАДАН АФЗАЛ ҲАДЯ

сунгги қаторига эътиборингизни қаратмоқчиман. Пайғамбаримиз (С.А.В.) ҳадисларидан бирида шундай дейди: "Киши биродари учун ҳикматли суздан афзалроқ нарса ҳадя қилолмайди. Чунки шу ҳикмат сабабли Аллоҳ Таоло уни тўғри йўлга солиб қуяди ёки ёмон йўлдан қайтаради".

Ҳикматлар узида те-

узок вақт унинг таъсирида бўлиш билан баробардир. Маҳмуд Аз-Замахшарийнинг қуйидаги иборасига эътибор беринг: "Аҳмоқ киши ҳикмат лаззатини билмайди, бамисоли тумов киши гулнинг ҳидини сезмаганидек". Дарҳақиқат, энг афзал ҳадя ҳикматдир.

Одилжон ХЎЖАНОВ,
Наманган туманидаги
24-мактаб ўқитувчиси

Саҳифани Абдулҳамид Абдуҳад
ўғли тайёрлади

Милиция сўзи халқаро сўз бўлиб, ўзбек тилига ўзлашиб кетган. Бу ўзлашма сўз қадимда миришаб атамаси билан аталган. Бугунги кунда бу атама милиция сўзи ўрнини тўла боса олмаслиги атамашунослик кўмитаси томонидан эътироф этилган. Сўздан ўзлашма ҳолида фойдаланиш мумкин, лекин янги алифбода 2 хил ёзилиш юзага келмоқда. Бу сўзнинг тўғри ёзилишини билиш учун лотин тилига мурожаат

кўрсатмаларда ёзилган. Бундай кўрсатмалар Й.Абдуллаевнинг "Ҳамроҳим" китобида кўрсатиб ўтилган. Қачон ts, қачон s тарзида ёзилиши юзасидан тавсиялар берилган. Бу товуш кўпроқ русча халқаро сўзларда учрайди. Туркий, арабий, форсий сўзларда бу товуш учрамайди.

Ушбу товуш қатнашган сўзлар имлосида бир тўхтамга келинган. Ана шу илмий хулосалар товуш ва талаффуз меъ-

«MILITSIYA»MI ЁКИ «MILISIYA»...

қилиш лозим.

Милиция сўзи лотинча (milisiya) — яъни кўшин, лашкар деган маъноларни билдириб, қадимги лотин тилида milisiya ҳолида ёзилган. Сўзни тўғри ёзиш учун, унинг транскрипциясига эътибор бериш лозим. Ушбу сўз таркибидаги ц товуши ифодаси янги алифбомизда берилмаган, лекин қатор ўзлашма сўзларда учрайди. Ц товуши ўзбекча талаффузда ts тарзида айтилади ва шундай ёзилади. Бу товуш ўзбекча талаффуз ва имло асосида баъзан ts, баъзан s тарзида ёзилиши коидалар, тавсиялар,

ёрларига ҳам тўла мос келади. Сўзларнинг имлода қандай ёзилиши "Ўзбек тилининг имло луғати"да ҳам кўрсатиб ўтилган. Имло луғатида бу сўз "militsiya" тарзида ёзилган. Сўзнинг бундай ёзилиши ҳозирги кун имлосига тўғри келади.

Бу сўзнинг milisiya ёки milisia тарзида ёзилиши нотўғри. Бундай ҳолат лотин ёзувида асосланган янги ўзбек ёзуви ривожланишига салбий таъсир кўрсатади, деб ўйлайман.

Алижон ЖАББОРОВ,
Поп туманидаги
7-мактаб ўқитувчиси

НАҚЛ — КОНИ АҚЛ

Нақллар сахийлик ва бахиллик, донолик ва нодонлик, бирдамлик ва тарқоқлик, самимийлик ва такаббурлик, одиллик ва сохталик сингари бир-бирини инкор этувчи тушунчаларни қарама-қарши қўйган ҳолда маънавий гўзалликнинг устун қудрати, яратувчилик хусусиятини инкишоф этадилар. Шунинг учун ҳам халқ орасида "Нақл — кони ақл" деб бежиз айтилмаган.

Нақл — ҳажман ихчам, мазмунан мажозга асосланган оғзаки ҳикоя. У ривоят сингари хоҳлаган вақтда айтилавермайди, ўрни келганда, зарурат туғилгандагина ҳикоя қилинади. Аниқроғи, нақл ҳаётда юз берган ҳодисага муносабат билдириш, содир бўлган воқеанинг сабабини тушунтириш ва ўрнак қилиб кўрсатиш мақсади пайдо бўлгандагина айтилади.

Нақллар амалий аҳамиятга эга бўлиб, тингловчининг фикрлаш қобилиятини ўстиради, ақл билан иш юритиш, доимо сезгир, фавқулодда юз бериши мумкин бўлган ҳар қандай ҳодисаларга тайёр туриш, зийраклик ва хушёрликни қўлдан бермаслик, фаол бўлиш, ниҳоят теран фикрлашга даъват этади.

Нақллар доимо маълум ва машҳур гоёлар атрофида юзага келади. Бирлик ва ҳамжиҳатлик гоёси ҳамма вақт ҳам халқнинг диққат-эътиборида бўлиб келган. Шунинг учун бўлса керак, қатор нақллар моҳиятини ана шу нуфузли гоё ташкил этади.

Комил ИМОМОВ,
филология фанлари доктори

МАФРУР ХАЛҚ ФАРЗАНДЛАРИ

Мустақиллигимиз шарофати ила ҳозирги даврда ёшларимиз тарихни рўй-рост ўқиш имкониятига эга бўлишди, аммо ҳали унинг очилмаган қирралари кўп.

Демократияга асосланган жамиятда яшар эканмиз, халқимиз босиб ўтган йўл, яъни мустақилликкача бўлган давр машаққатини биздан кейинги авлодга етказишимиз керак.

Бунга 1918-1924 йиллари ўз ичига олган Туркистон ўлкаси халқларининг миллий озодлик ҳаракатини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Бу ҳаракат ўша тузум тилида айтганда "босмачилик" ҳаракати эди. Аслида ҳам шундай эдимиз?

Йўқ, албатта. Чунки ҳеч қандай мантиққа тўғри келмайдик, ўз юртида Ватан озодлиги учун курашган ўғлонлар "Босмачи" деб аталса?.. Наҳотки босқинчилик, мустамлакачилик сиёсатини

E'tirof

олиб борган "Қизил империя" раҳнамолари "қаҳрамон" даражасига кўтарилса-ю, ўз эрки, дини, озодлиги учун курашган, керак бўлса жонини фидо этган Ватан ўғлонлари "босмачи" тамгаси остида айбланса.

Яқин-яқингача бу ҳаракат "Босмачи" тамгаси остида аталди. Лекин, бу ҳар-

катни мустақиллигимиз шарофати ила миллий озодлик ҳаракати дея номлашга муяссар бўлдик.

Олдинда бизни бу ҳаракатнинг очилмаган қирралари кутмоқда. Ватан ўғлонларининг юрт озодлиги учун олиб борган ҳаракатлари ёшларимизга ибрат, намуна бўлиши лозим. Бизнинг халқимиз ҳар қандай вақтда не-не зулм ҳомийларига ҳам бўйин эгмаганлиги, ўз озодлиги йўлида жон фидо этганлиги унинг мағрур эканлигини исботлайди.

Суннатилло ҚАРШИЕВ,
ТДТУ қошидаги
Чилонзор
академик лицей
ўқувчиси

Tanlov

Яқинда пойтахтимизда жойлашган Республика илмий педагогика кутубхонасида «Йилнинг энг яхши мактаб кутубхонаси» кўрик-танловининг якуний республика босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар босқичи голиблари иштирок этишди.

ЭНГ ЯХШИ МАКТАБ КУТУБХОНАСИ

Бир сўз билан айтганда, танловга ташриф буюрган мактаблар ўзларининг «Энг яхши мактаб кутубхонаси» қанчалик такомиллашганлиги, замонавий педагогик технологиялар билан қай даражада таъминланганлиги ва ўқув адабиёт фондларининг нечоғли бойлигини намойиш этиб, ўзaro беллашдилар.

Ҳакамлар ҳайъатининг қарорига биноан Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманидаги 320-мактаб ва Бухоро вилояти, Файзулло Хўжаев туманидаги 3-мактаб кутубхонаси I ўринга, Самарқанд вилояти Жомбой туманидаги 20-мактаб, Наманган вилояти Норин туманидаги 13-мактаб, Навоий вилояти Навбахор туманидаги 1-мактаб ва Косон туманидаги 80-мактаб кутубхоналари II ўринга, Қорақалпоғистон Республикаси Қонликўл туманидаги 21-мактаб ва Қизирик туманидаги 18-мактаб ҳамда Қашқадарё вилояти Косон туманидаги 85-мактаб кутубхоналари III ўринга муносиб деб топилди.

А.МУХТОРОВ

КУТУБХОНА МАҲАЛЛА САРИ

Ғиждувоний номидаги Бухоро вилоят кутубхонаси ташаббуси билан «Чорсу» маҳалласида ўтказилган «Ғиждувоний жаҳоним» номли тадбирда барча маҳалла оқсоқоллари, маданият ходимлари иштирок этдилар. Кечада Ғиждувонийнинг ҳаёти ва бой мероси ҳақида сўз борди.

Дилрабо УМАРОВА



Хунар инсонни юксакликка кўтаради. Ана шу туйғуни чуқур ҳис қилган Фаргона вилояти Олтиариқ туманидаги мактабдан ташқари мусассасада экология ва табиатшунослик масканига қарашли ёш қушсеварлар тўғрари аъзои Азизжон Аҳмадалиев атрофига бир қанча ёш қушсеварларни йиғиб, уларга қушларни парваришлаш, ин ясаш сирларини ўргатиб келмоқда. Уларнинг ясаган чиройли қуш қафаслари нафақат тўғарак аъзоларининг балки вилоятдаги бошқа қушсеварларга ҳам асқотмоқда. Бу тўғарак аъзолари хунар ўрганиш билан биргаликда қушларни асраб-авайлашга ҳам катта эътибор қаратганлар.

Суратда: **А.Аҳмадалиев** шогирдлари билан.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

Ga'fur G'ULOM tavalludining 100 yilligi oldidan

1963 йилнинг май ойи. Ўзбекистон халқ шоири, академик Гафур Гулом таваллудининг 60 йиллиги ўтаётган давр. Шоир ҳовлисининг этаги билан бир девор бўлган 90-мактабнинг ўқувчилари — бизлар ҳам 60 йилликка тайёргарлик кўрдик. Тадбир ҳозирги Ўзбекистон Миллий боғининг ёзги театрида ўтди. Салобатли, бошида кўзон дўппи, эгнида оқ жужун кўйлак, кўлидаги газета ичида китоб кўтарган Гафур Гуломни ўша вақтдаги мактабимиз директори Абдулхай Абдулов бир гуруҳ ўқитувчилар ҳамроҳлигида бошлаб келди. Тадбир очиб деб эълон қилинган, М.Олимхўжаева, С. Розикова, А. Орипов, А.Мухомов, О.Шарофиддинов, М.Раҳимов ва бошқалар Гафур Гулом шеърларидан ёд олганларимизни ўқиб бошладик. Мен:

**Гунча очилгунча ўтган
фурсатни
Капалак умрига қиёс
этулик.
Баъзида бир нафас
олгулик муддат
Минг юлдуз сўниши
учун етгулик,**

— дея "Вақт" шеърини ёддан ўқидим. Ҳар бир шеърининг ўқилишини Гафур Гулом диққат билан эшитарди. Шоирдан ўз таржимаи холини

ўтди. Сингилларим билан қолдим. Энди бирор ишнинг бошини тутиш, мустақил ҳаёт бошлаш керак эди. Уруш туйғули очарчилик бошланган, нима қилмоқ керак? Қилмаган хизматларим, тутинмаган ишим қолмади. Охири босма-хонага — ҳарф терувчи бўлиб кирдим, босма ишида устозим кекса ишчи Абдурахмон Сойиббоев бўлади.

Устозим маслаҳати билан 8 ойлик муаллимлар тайёрлов курсига кирдим. Сингилларим ҳам мактабларда ўқиб бошладилар.

Устоз ўз таржимаи ҳолларини давом эттириб, Маориф комиссарлигидаги фаолиятлари ва бу пайтда шеърини ва ҳажвий нарсалар ёзганлари ва "Муштум" журналининг деярли ҳар сонидан бирор асарларининг босилиб чиқилиши мароқ билан гапириб ўтгандилар.

"Камбағал деҳқон" ва "Шарқ ҳақиқати", кейинроқ 1942 йилгача "Қизил Ўзбекистон" газеталари, "Муштум", "Ер юзи" журналларидаги фаолиятларидан сўзлаганларида бизларнинг бутун вуждимиз қулоққа айланганди.

Таржима соҳасидаги бажарган ишларининг ҳам ўзига хослиги устида алоҳида тўхталиб ўтди.

"Азиз ўғил-қизларим, —

**Ҳали кўл тегмаган,
жарангли вазмин,
Зарбдан янги чиққан
олтин медаллар...
Сизсиз келажак йўқ,
сиз ахир халқнинг,
Минг йилни кўражак
қароғларисиз.
Сизсиз ёримаёди
осмонда Зухро,
Замонлар тонгининг
қароғларисиз.**

Собиқ мактабдошлар даврасидаги суҳбатлардан бирида Ўзбекистон халқ артисти Хусан Шарипов Гафур Гулом билан бўлган бир воқеани гапириб бердилар.

"... Мени — дейди Х.Шарипов, — собиқ синфдошларим ҳазиллашиб "қитмир" дейишарди. Гафур Гуломнинг қизлари Олмос синфдошим эди. Олмоснинг сочлари узун, доимо иккита қилиб ўриб юрарди. Партага ўтирганда, унинг орқа сунячигига сочларини билдирмай боғлаб қўйдим. Олмос сезмади. Ўрнидан турмоқчи бўлганда боғланган сочлари туриши бермади. У сочларини ечиб, хонадан йиғлаб чиқиб кетди. 90-мактаб билан Гафур Гуломнинг уйи бир девор эмасми, оз фурсатда эгнида оқ жужун кўйлак, бошида дўппи, сал жажли чиққан ҳолда Гафур Гулом мактабга кириб келди ва бизларга

ОҚСОҚОЛ ШОИР БИЛАН УЧРАШУВЛАРДАН ЛАВҲАЛАР

сўраганимизда, шундай ҳикоя қилиб берганди:

"Мен 1903 йил 10 май, жума куни эрта билан соат 6 да туғилган эканман. Бу деҳқонча йил саноғи билан балиқ йили бўлади. Туғилган ерим Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур даҳаси, Кўргонтеги маҳалласи.

Мен туғилганимда отам Гулом Мирза Ориф ўғли 35 ёшда, онам Тошбиби Шоюсуф қизи 21 ёшда экан. Отанинг нима иш қилиб тирикчимлик ўтказганини аниқ айта олмайман. "Деҳқон" деб қўя қоламан. Отам дурустгина саводли, ўзбекча, тожикча яхши билар ва унча-мунча русча ҳам сўзлашар экан. Шаҳар ичида кишиларга ариза, справкалар ёзиб бериб юрар, шунинг учун ҳам исмига "Мирза" деган лақаб қўшимча бўлган экан.

Отам адабиёт билан жуда қизиқарди. Уйимизга ўзбек шоирлари ва хаттолари кўп келишарди. Отам "Мирза" ва "Гулом" тахаллуслари билан талай шеърлар ёзган.

Онам ҳам ўзбекча, тожикча адабиётларни ўқиб англайдиган зеҳли хотинлардан эди. Ўзи шеър ҳаваскори бўлганидан, халқ оғзаки термалари вазнида унча-мунча шеърлар айтиб юрганини эсламан. Булардан, айниқса, отам ўлимига бағишлаб айтгани ҳали ҳам қулоқларимдан кетмайди.

Отам 1912 йилда 44 ёшида Кўргонтеги маҳалласидаги ҳовлимизда вафот қилди. Биз беш етим бола қолабердик. Мен 9 ёшда, энг кичик синглим — Баҳри, 6 ойлик эди...

Бу ёшда аллақачон саводим чиққан, Навоий, Ҳофиз, Саъдийларни бемалол ўқир, чиройлигина хатим бор эди.

Менинг саводли, хатли бўлишимга бошда отам, сўнг онам сабаб бўлдилар.

1918 йилда онам 36 ёшда, ўша Кўргонтеги маҳалласидаги ҳовлимизда дунёдан

деб давом этди шоир, — ҳозир сизларнинг ўқиш, илм олиш, хунар ўрганиш даврларингиз. Келгусида бирингиз инженер, бирингиз олим, яна бирингиз шоир бўларсиз. Ким бўлмоқчи бўлсангиз ҳам барига илм керак. Илми, хунарли одам ўз Ватанига доимо фойдаси тегадиган бўлади. Қисқаси, сизларни Ватан кутади.

**Сен бу кун синфда шод
юрак билан,
Синов навбатини кутиб
турасан.
Аъло мамлакатнинг
аъло фарзанди,
Билиб қўйки, сени
Ватан кутади.**

Илм олиш учун чидам, кунт, сабр-бардош билан устозлар сабоғини ўрганинг, кўп ўқинг..."

Бу шеър билан Ф.Гулом бизларнинг ҳаёт йўлимизга ўз тилаklarини билдирганди.

1965 йилнинг 26 июнида 90-мактабга устозлар, отаналар ўқишни битираётган фарзандларини кутлаш учун йиғилишган. Шоирнинг ўғли Хондамир ҳам шу йили битираётганди. Ота сифатида Гафур Гулом, Ҳаким Назир ҳам келишди. Кутловлар бошланди. Гафур Гуломнинг табрик сўзлари ўзига хос бўлди.

"... Ўғил-қизларим! Сизлар бугун мактабни битириб катта ҳаёт йўлига қадам қўймоқдасиз. Бу йўл сизлар ҳар куни юрадиган Фурқат кўчасидаги текис, равон эмас. Нохос бир қадам қўйсангиз, қоқилиб тиззангиз лат ейди, агар қаттиқроқ йиқилсангиз, пешонангиз гурра бўлиши мумкин, туришига интилиб бирор тошга қўл узатсангиз, қўлингизга чағир тош ботиши мумкин. Ҳаёт — синовлардан иборатдир. Илм олиш, хунар ўрганишдан асло қўрқманг, чидам ва бардош билан ўрганинг..."

Битириув кечасида Гафур Гулом янги ёзилган "Олтин медал" шеърини ўқиб берган:

**Мармар тусдаги пўлат
сандиқда
Балоғат муҳридек
ялтираб кутар**

қараб:

— Қизимнинг сочини партага боғлаган ким? — деб сўради.

Ҳамма жим, ўзини секингина четга ола бошлади, лекин мен ҳеч тап тортмай:

— Мен, — дедим. Гафур Гуломнинг олдида бордим — Олмоснинг сочини партага боғлаган сенми? — деб яна сўради.

— Ҳа, мен, — дедим. Шунда Гафур Гулом ўнг бетимга тарсаки тортиб юборди, каловланмадим, қайтанга хахолаб қулиб юбордим ва хурсанд ҳолда:


— Гафур Гулом ҳаммани ҳам уравермайди, сизнинг шапалоғингиздан хурсандман, — дедим. Шунда Гафур Гулом қулимсираган ҳолда «Бор-е», деб мактабдан чиқиб кетдилар.

Хусан Шарипов мазкур воқеани мактабларда, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг ўқувчилари, олий ўқув юртларининг талабалари ва маҳаллаларда ёшлар билан учрашганида, ёшлар беадабгарчилик қилганда катталарнинг ўз вақтидаги тўғри танбехлари ўринли, фойдали бўлишини айтиб, шундай изоҳлайди:

— Агар ўшанда Гафур Гулом менга шундай танбех бермаганда, сизларнинг олдингизда Ўзбекистон халқ артисти Хусан Шарипов бўлиб турмаган бўлардим. Устозлар, ёши улуг катталарнинг ўз вақтидаги тўғри танбехларидан оғринманг, хафа бўлманг, чунки улар сиздан аввалроқ, кўпроқ ҳаёт мактабини кўришган.

Ақром АКМАЛОВ,
республика
«Маънавият ва
матрифат» маркази
бўлим мудири,
педагогика фанлари
номзоди, доцент,
Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган халқ
таълими ходими

ШУХРАТ ҲЕЧ ЭСИМДА ЙЎҚ



Тупроққа беланиб боғ кўчасида
Ҳаммомпиш ўйнаган чоғим эсимда.
Эртакка тўймасдан ёз кечасида
Кундузи кўймаган чоғим эсимда.

Еттига етмасдан тушган тишимни
Мўъжиза топгандай сўзлайман ҳамон.
Мактабга илк марта борган қишимни
Кечаги кун каби эслайман ҳамон.

Ариқда оқиқоқ қилиб нонимни
Ивитиб еганим йилни эслайман.
Муҳаббат маст қилиб ўсмир қонимни,
Илк марта узганим гулни эслайман.

Илк бўса мазаси лабда қолгандай
Тамшаниб кўяман баъзан ҳали ҳам...
Жанг қилган йилларим эсимда шундай,
Эсимда тутунга бурканган олам!

Ҳаммаси, ҳаммаси эсимда мутлақ,
Ҳаммаси юракда мисли ўчмас чўғ!
Ва лекин сочимга оқ оралаган чоғ,
Рост айтсам, дўстларим, ҳеч эсимда йўқ.

ШУХРАТНИНГ ШУХРАТИ СЎНМАЙДИ

Шуҳрат ака шеърятда ҳаётнинг пасту баландини кўрган файласуф инсоннинг хулосалари, дунёқараш, инсон ҳақида, муҳаббат ва нафрат, садоқат ва хиёнат тўғрисида жон куйдириб тўкиб солган туйгулари кўриб турарди. Домланинг насрий асарлари эса, кўплаб хонадонларга кириб борган, ўқувчининг севимли асарига айланган китоблар эди. Шуҳрат ака ўзбек адабиёти тараққиётига улкан ҳисса қўшган ижодкор, ҳали кўп авлодларни ҳаяжонга соладиган адиб сифатида тарихда қолишига ишонаман.

Бундан ташқари, домланинг шогирдлари кўп эди. Шуҳрат ака ҳамма шогирдларига сен деб мурожаат қилар ва бу ҳеч кимга малол келмасди. Устоз йил этиб кўринган истеъдодни бағрига босиб, бошини силарди. Эсимда, бундан кўп йиллар аввал «Дунёнинг ишлари» китобим нашр этилганда Шуҳрат домла

Қора денгиз буйида дам олаётган эканлар. Ушанда олис жойдан менга ҳат ёзиб, асар ҳақида менга шу қадр самимий қувонч билдирган эдиларки, бундай муносабат фақат қалби кенг, шогирдига меҳрибон устоз томонидан билдирилиши мумкин.

Шуҳрат ака ҳаётида ниҳоятда иймонли, виждонли ёки бир қадр илмийроқ айтадиган бўлсак, ниҳоятда принципиал шахс эдилар. Абдулла Қаҳҳор устозимиз ўзининг 60 йиллик тўйида партия ва ҳукуматнинг казо-казолари олдида айтган битта эҳтиётсиз жумласи учун яна таъқиб-таъийқларга учраганда устознинг олдида қилт этмай турган шогирдлари орасида Шуҳрат ака ва Озод Шарафиддиновлар ҳам бор эди.

Абдулла Қаҳҳор ўша йигилишда: «Мен партиянинг ер тепиб, честь берадиган солдати эмасман, онгли фуқаросиман» деган эди. Аслида бу гап ҳеч

қандай сиёсий ҳато ҳам, ҳеч қандай киноя ҳам эмасди.

Абдулла Қаҳҳор ёзувчи эркин бўлиши кераклигини, истеъдод ҳеч қачон партиянинг солдати бўлиши мумкин эмаслигини айтганда, холос. Ана шу гап учун домла яна кўп изтироб чекканди.

Ана шундай пайтда у киши шогирди Шуҳрат домлага суянгани ҳаммамизнинг ёдимизда бор. Бу нарса Шуҳрат акага ҳам соғди. У киши ўз тенгқурлари даврасида, ўз шогирдлари орасида истеъдодли шоир бўлишига қарамасдан, имкони борича камситилди. Бу нарса домланинг асабига таъсир қилмай қолмади. Лекин, барибир Шуҳрат ака шоир сифатида, бир зиёли сифатида умрининг сўнгги дамидаги барибир ижод қилди. Ўзбек адабиётида Шуҳрат деган истеъдодли адиб, истеъдодли шоирнинг номи ҳали кўп йиллар яшашига мен ишонаман.

Ўткир ҲОШИМОВ

Xotira

Тоғлар узоқлардан ҳайбатли кўринади ва яқинига борсангиз, уларнинг қорли чўққилари кўкларга туташиб кетгандай туюлади.

Ҳар бир одамнинг бир ўзак хислати бўлади. Бошқа барча хислатларни шу ўзак хислат бошқаради ва ўз ортидан эргаштиради.

Шоир, адиб, драматург Шуҳрат (Фулум Алимовнинг ҳам шундай ўзак хислати бўлган).

Унинг ҳақгўйлиги — одамийлиги ва адиблик фаолиятининг ўзак-негизи эди. Шуҳрат ака ҳақгўй эди.

У ҳақиқат учун маҳкам турарди.

У ўз ҳаётини романларга, ўз қалбининг ноёб кўтаринки кечинмаларини шеърга, дostonга, балладага айлантирарди.

Зотан, унинг ҳаёти худди романга — йирик, кенг қамровни, бағирдор, тайёр романга ўхшарди.

Эсимда: «Шинелли йиллар», «Олтин зангламас»ларни илк бора ўқиганда, бу икки ўзига хос, бағри кенг асарнинг Элмурод ва Содиқ исмли бош қахрамонлари баайни Шуҳрат аканинг ўзи эканлигини кўриб, туйиб, ҳайратга тушганман.

Ёзувчи иложи йўқ: маълум маънода ва маълум даражада, меъёрда бичиб тўқийди, жиндак ёзаётганларига ёлғон ҳам кўшади, қахрамонлари ва улар бошига тушган воқеалар, кўргиликларни бўрттиради, идеаллаштиради, бир сўз билан айтганда, ҳар томонлама бойитади. Салмоқли, яхлит адабий ҳодисага айлантиради.

Албатта, Шуҳрат ўзбек адабиёти қахрамонлари галереясида жуда ёрқин ўрин тутган ўз қахрамонларига ўзидан нималаридир кўшгандир, умумлаштиргандир (танқидчи адабиётшунослар тили билан айтганда) агар бу шундай бўлса, бу адабий меҳнатда, бадиий ҳунарда жуда табиий ҳол. Лекин «Шинелли йиллар», «Олтин зангламас» ва сал сўнроқ «Жаннат қидирганлар»ни ўқиганда мен буни бир ўқувчи сифатида сезмаган, пайқамаган, қаери тўқима, қаери реал деб ўйлаб ўтирмаганман. Менга романларнинг ҳаётнинг ўзи қандай бўлса шундайлиги — бари рост, бари реал бўлиб кўринган. Шуҳрат романларини эстетик идрокимга шундай қабул қилганман.

Ёзувчи бамисоли ҳеч нарсани бўрттирмаган, ҳеч нарсани боридан кўра чиройлироқ, ёмбирроқ, қабарикроқ қиламан деб бош қотирмаган — балки бори-борича ёзган.

Ноёб ва адабий беҳад қимматли ҳаётийликка, ҳаётий қабарикликка эришган. Буни қарангки, шу билан бирга Шуҳрат романлари айни чоғда яна адабиётчилар тили билан айтадиган бўлсак,

ҳаётдан нусха кўчириш ҳам эмасди. Бирон бир тасвирда натурализм кўринмас ва ғашга тегмасди. Ва унинг тасвири «фотография» усулидан, фотография ростгўйлиги ва аниқлигидан ҳам жуда йироқ эди.

Шуҳрат романларида ҳаётга бу қадр яқинлик, бу қадр ҳаётийликнинг сири нимада эди?

Бу сирнинг калитини мен адибнинг ўзида, унинг ёрқин, азамат, девкор феъл-атворида, ҳаётга, одамларга, ўз ёзувчилик ва инсонлик қисматида бўлган ёндашувларида, қоядай мустаҳкам маърифатли принципларида ва ҳеч йўлдан тоймас, оғмас, бўялмас, ўзгармас олижаноб адолатида кўраман.

Шуларнинг яқинлигида у Бехбудий, Фитрат, Қодирий, Авлоний, Мунавварқори, Чўлпон, Убайдуллаҳўжа, Усмон Носирларга келбати тортарди.

...70-йиллар тугаётган бир паллада Шуҳрат уйига чақирди. Ойдин билан бир-

ўйлардим: Нега Шуҳрат ака шундай балоғат палласида жадидлар ҳақида роман ёзмайди? Нега бу бебаҳо қахрамонликларни акс эттирмайди? Ахир бу халқимиз учун бошқа ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайдиган ва бошқа ҳеч нарса билан ўрни тўлмайдиган ибрат, қураш, ирода мактаби бўлиши мумкин эди-ку! Аммо ажаб! Бу бўшлиқнинг ўрни халқимиз учун ҳануз тўлмаган! Ҳануз бу улғувор чўққилар адабиётимиз томонидан забт этилмаган, ҳамон бу улкан ижтимоий қимматга эга иш адиблар бўйида қарз бўлиб турмоқда! Агар Шуҳрат жадидлар ҳақида бир эмас, ҳатто бир неча роман ёзишга ўтирса, бунга қурбани-қудрати етар ва булар ўзбек халқининг улуг ва ўлмас, қуримас романлари — ҳаёт ва гўзаллик булоқлари бўлурди! Ўша кеч суҳбатимиз таъсирида шундай ўйлардим ва ҳаёлим гўё ўша ёзилмаган романларнинг саҳифаларини бирма-бир варақларди. Зотан, Шуҳрат

тенгдошлари шундай улуг орбитага эга инсон, адиб деб билишар, қадрлашарди. Унинг барча тенгдошлари, сафдошлари: Саид Аҳмад, Шукрулло, Ёнғин Мирзо, Восит Саъдулло, Туроб Тўла, Асқад Мухтор, Незъат Тошпўлат, Хибзиддин Муҳаммадзонов, Пўлат Мўмин, Ҳаким Назир, Пиримқул Қодиров, Иброҳим Раҳим... уни гоётада эъзозлашарди, қайда бўлмасин, буюк ҳурмат-эҳтиром билан Шуҳрат ҳақида сўзлашарди.

Шуҳрат ака ҳам ўзини биларди, кучқудрати нималарга етиши, нималарга қодирлигини англади, ҳис қиларди. Бир кун у айтган экан: «Мен бу ҳаётнинг атрофидамас, нақ ичида бўлганман!» Бу ўта мардона гап! Ҳақгўй инсоннинг улуг машаққатлар, уринишларда топган жон гапи! Шуҳрат ака: Содиқ бу — мен, Элмурод бу — мен! — деб балки айтмагандир. Лекин барча фозил замондошлари сезар эдиларки: ҳа, Содиқ бу — Шуҳрат, Элмурод бу — Шуҳрат!

Ўтмиш ҳукуматдорларнинг барча тўп-замбараклари, ажал қуроллари буни қарангки, айни ҳақгўйларга қарши қаратилган эди. Ҳақгўйга ўзини меҳнаткаш-парвар қилиб кўрсатишни севадиган давлат тазумида ҳам кун йўқ эди!

Шуҳрат ҳақгўй эди, толмас иродали эди — урушнинг бутун даҳшатларини кўрди, Сталин лагерлари азобларини бошидан кечирди, нисбатан тинч, яхши замонлар келганда ҳам бу ҳақгўйни катта ҳаётдан четлатишга, иложи борица уни дам қилишга, овозини ўчиришга, асарларини бўғишга, эътиборсизлик, кадрсизлик чакалакзорига улоқтириб ташлашга кўп уриндилар. Метиндан бино бўлган Шуҳрат эса адолатсизликлар олдида бош эгмади, алп қоматини ҳамша тик тутди. Адиб Ўткир Ҳошимов Шуҳратнинг бу хусусиятини хўб ёрқин қилиб айтган: «Шоир, адиб, драматург Шуҳрат замон азобларидан йиқилиб, тўшакака ёпишиб қолган чоғида ҳам титроқ қўллари билан ҳақиқат олдида титрамайди-ган асарлар ёзди».

1998 йилда Шуҳратнинг «Машраб» романининг илк фрагментлари ва замондошларининг у ҳақдаги хотиралари бир китоб ҳолида нашр қилинди. Бу китобда Шуҳратни яхши билган бир қатор адиблар, унинг иқтидорли шогирдлари, замондошларининг жуда қимматли гувоҳликлари, маълумотлари, қалбдан қуялиб чиққан изҳорлари жамланган. Бу каби хотиралар айни чоғда адиблар ва ўқувчиларнинг Шуҳратга бўлган улкан муҳаббати эҳтиромининг овозидир. Шундай муҳаббатга сазовор бўлиш инсонга мангу шараф, одамийлик шуҳратининг чинакамлигидир.

Иброҳим ҒАҒУРОВ

ҲАҚГЎЙ АДИБ ВА ИНСОН

га бордик. Олча пишган пайт эди. Меҳмондўст Турсуной опа бир чинни товоқда тоза пишган «шпонка» олча териб дастурхонга кўйди. Улар Ойдин билан ичкарида дардлашишаркан, биз Шуҳрат ака иккимиз ёз оқшомининг салқинида ором олиб, бир товоқ бўртиб, таранг тортиб пишган «шпонка»ни паққос туширганмиз. Олчанинг хушёр торттирувчи турш ва жуда ёқимли таъми кўксимизни тўлдирарди.

Сир йўқ: мен жадидларга, уларнинг ишлари, асарларига мубтало эдим. Асарлари ҳам, ишлари ҳам юрагимга саримойдай ёқарди. Суҳбатда маълум бўлдики, Шуҳрат ака мендан кўра юз қарра, балки минг қарра ортик жадидлар мубталоси экан. Улар ижодини хўб ўқиган, улар ҳаёти қирралари, фожиалари, ажиб қахрамонликларидан бохабар экан.

Ушанда улкан, чуқур, сероб, сертўлқин дарё бўйида икки соат бирга ўтиргандай, дарё шуқуҳи, файзи, улғуворлигидан бир умрга етгулик баҳра олгандай бўлганман.

Уйга қайтарканман, бутун ўй-хаёлимни Шуҳрат ака билан бўлган суҳбатнинг нашидаси чулғанган эди.

акани жадидлардай улуг миллатпарвар ва ижтимоий муборизлар ҳақида асарлар ёзишга баайни етилган, юксак инсоний, зиёли балоғатга эришган адиб деб танирдим.

Кўп йиллардан буён ҳаётда роман-адиблар бўлади деб юраман. Бехбудий шундай роман-одам эди. Фитрат, Қодирий, Чўлпон, Сўфизода, Ҳамза... — шундай роман-одамлар эди. Назаримда, бизнинг катта замондошимиз шоир ва адиб Шуҳрат ҳам худди мана шундай ва мана шулардай роман-одам ва роман-адиб эди. Ҳали ҳамон шу фикрдаман, шу ўйдаман.

Роман-одам фикримча, йирик, салобатли, ўз гоёлари, ўз ҳаётий принциплари, ўз ижодий фалсафасига эга шахсдир. У воқеалар атрофидамас, воқеалар унинг атрофида, унинг орбитасида гулдурос солиб айланади. Зотан, роман-одам катта ҳаёт фазоси — орбитаси бор одамдир. Бу орбитада даврнинг жуда кўп ранг-баранг воқеликлари, инсон тақдирлари, бири-бирдан улуг серзарда, зиддиятли воқеалар чарх уради ва замон кишиларини ўз айланиш доирасига оҳанрабодай тортади.

Шуҳрат акани замондошлари ва


"МАЪНАВИЯТ"НИНГ ЯНГИ ТУҲФАЛАРИ



"Маънавият" нашриётида мухлисларга туҳфа сифатида янги китоблар нашрдан чиқди. Адабиёт ихлосмандлари учун ёзувчи Темурбекнинг "Тенги йуқ тенгдошлар" деб номланган, бир неча ҳикоялар ва бир қиссани ўз ичига олган китоби чоп этилди.

Ушбу китоб ҳаётнинг турли жабҳаларини, турмуш ҳангомаларини ўз ичига олган. Асар мутолаасига киришар экансиз, қахрамонларнинг қисмати, уларнинг бошига тушаётган кўргуликлар сизни ҳаяжонга солади.

Гофуржон Сотимовнинг "Бобурийзодалар" рисоласида хорихда яратилган тарихий манбаларга таянган ҳолда Ҳиндистонда Заҳириддин Муҳаммад Бобур томонидан асос солинган бобурийлар салтанати ҳақида, бу салтанатни мустаҳкамлаш ва янада қудратини оширишга ҳисса қўшган бобурий шаҳзода ва маликаларнинг





шахсияти, инсоний қиёфаси ҳақида қимматли маълумотлар берилган. Шунингдек, рисола саҳифаларидан бобурийлар шажараси ҳам алоҳида ўрин олган.

Тадқиқотчи ёзувчи Шариф Юсуповнинг "Тарих ва адаб бўстони" деб номланган китоби ўқувчига Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат, Муқимий, Мухйи Хўқандий, Чустий, Сатторхон, Ислонбек Худоёрхон, Муҳаммад Ҳакимхўжа ва жадидлар, Фарғонанинг сўнги хони Худоёрхон ва яна бир неча маърифатпарварлар, уларнинг амалга оширган ишлари ҳақида маълумот беради.

Бундан ташқари, таниқли адабиётшунос ва муаррих Шариф Юсуповнинг бу китобида ҳозирги тарих фанининг кам ўрганилган ёки умуман ўрганилмаган жиҳатлари ёритилган, долзарб муаммоларга эътибор қаратилган.

А.МУХТОРОВ



"Янги аср авлоди" нашриёти болаларга бағишланган "Хур диёр фарзандлари" деб номланган янги китобни нашрдан чиқарди. Китобда ватанга садоқат, табиатга муҳаббат туйғулари улуғланади. Китоб муаллифи Ортиқбой Юсупов болалар учун ёзади. Ёзгандаям болаларча соддалик, беғуборлик билан ўз ашёрларини битади. Шу сабаб бўлса керак, янги китобига шеърлардан ташқари, тез айтишлар, топишмоқлар, ханда-



ХУР ДИЁР ФАРЗАНДЛАРИ

ёхуд ёш авлод мадҳи

лар ва лофларни ҳам кириштишни лозим топибди. Китобдаги, -Сингилчам бор, дейман "пучук", Уйнагани доим кичик. - Кўрқмайсанми? - десам, "пучук" - Кўрқсам, - дейди, - чиқар

учук, - каби шеърлар ёки, Ҳеч ҳам тинч турмайди, Лек жойидан жилмайди. (Соат) каби топишмоқлари болаларга манзур бўлиши, шубҳасиз.

Сулаймон МАРДИЕВ

БОРЛИҚНИ АСРАНГ




Табиат н а ф а қ а т бойлигимиз, соғлигимиз гарови ҳамдир. Симираётган ҳавомиз мусаффо, заминимиз

сўлим бўлса, дилимиз хуш, умримиз узун бўлади. Бунинг учун табиатни заҳарлаш, зарарланишдан сақлашимиз, авайлаб-асрашимиз зарур.

Қашқадарё вилояти, Косон туманидаги "Дилором" номли 4-боғча мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси, I даражали "Соғлом авлод учун" ордени соҳибаси Гулбодом Эштурдиеванинг "Borliqni asrang" деб номланган тўплами бошланғич синф ўқувчилари онгида экологик тушунчаларни шакллантиришга мўлжалланган. Бу мақсадни амалга ошириш учун Абдурахмон Жомий, Чингиз Айтматов, Қуддус Муҳаммадий, Ҳамза Имонбердиев каби ижодкорларнинг кичик ҳикоя ва шеърларидан фойдаланилган. Шунингдек, тўпламдан муаллифнинг ҳам табиат ва уни асрашга оид шеърлари, ҳикоялари ўрин олган.

"Borliqni asrang" китобчаси бошланғич синф ўқитувчиларига кўмакчи бўлиб қолишига ишонамиз.

Элмурод МАҲМАРАЙИМ ўғли



КўЧАЛАРГА АТАЛГАН ШЕЪРЛАР

Кавсар Турдиева ўзининг янги шеърларини кўчалар мавзусига бағишлабди. Қандай кўчалар дейсизми?

Пойтахтимиз кўчаларидан тортиб, "кўнгил" кўчаларигача шоиранинг шеърларида мадҳ этилган.

Яна бир эътиборга лойиқ жиҳати шундаки, китоб янги имлода нашр этилган. Демак, ёш авлод ҳам бу шеърлардан

бахра олиши мумкин. Кавсар Турдиевани шеър ихлосмандлари болалар шоири сифатида яхши билишади. Аммо Кавсар опа янги китобчаси билан фақат болалар шоири эмас, балки катталарнинг ҳам сеvimли шоири эканлигини исботлай олган.

Китобчани ўқиган ҳар бир ўқувчи, ундаги шеърлар орқали, пойтахтимизнинг турли

кўчалари ҳақида бадиий тасаввурларга ҳам эга бўлади. Ундаги шеърлар мактаблардаги турли бадиий кечаларни ўтказишда қўл келади. Уйлаймизки, китобча ёш шеърият ихлосмандларини ва шеъриятни нозик тушунадиган адабиёт мухлисларини бефарқ қолдирмайди.

Абдулҳамид АБДУАҲАД ўғли

ҚИЗИҚАРЛИ МАТЕМАТИКА

"Математика фани шунчалик жиддийки, уни қизиқарли қилишнинг иложи бўлиб қолди, буни қўлдан бой бермаслик керак". Машҳур олим Паскалнинг бу сўзларига амал қилган бухоролик олий тоифали математика ўқитувчиси Негмурод Гулиев яқинда "Янги аср авлоди" нашриётида ўзининг "Қизиқарли математика" деб номланган тўпламини нашр этириб, ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилди. Китобдан ўрин олган олдий, мураккаб ва ман-

тиқий масалалар ўқувчиларни тез фикрлашга ўргатиши билан биргаликда катта завқ беради. Китобнинг яна бир муваффақияти шундаки, ундаги масала ва жумбоқлар шеърий тарзда ва уларга мос расмлар билан берилган. Бу ҳам қайсидир жиҳатдан ўқувчининг қизиқтириб қўйиши табиий. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, демак, шеърият ва математика ўзаро уйғунлаштирилган ҳолда яратилган мазкур китобни ўқиган ҳар бир киши, хоҳ у ўқувчи бўлсин, хоҳ ўқитувчи

бўлсин? зерикиб қолмаслиги аниқ. Негаки, чигал масалалар ечими худди гўзал шеърга ўхшайди. Таниқли шоир Усмон Азим айтмоқчи: "Маърифатнинг олий математикаси шеърдир". Ғиждувон тумани Чармгарон қишлоғидаги 57-мактаб ўқитувчиси Негмурод Гулиевнинг "Sinfidosh" kutubxonasi" туркумида чоп этилган "Qiziqarli matematika" китобидан қуйидаги шеър парчаларни ўқиб кўрсангиз, фикрларимизга қўшиласиз.

Ҳ.НИШОНОВ



SINAB KO'RING KUCHINGIZ!

Bilim dengizi cheksiz,
Javohiri sanoqsiz.
Gar qolsangiz ulushsiz,
Demak, ancha no'noqsiz.

Ko'p bo'shshang, yalqovlar
Bir umr boy bo'lmaydi.
Kimki ilmga chanqoq,
Qashshoq bo'lib qolmaydi.

Serg'ayratga tole yor,
Jumboqlarni yechingiz.
Belni bog'lang mahkamroq,
Sinab ko'ring kuchingiz!

OLMALAR

Bog'bon aytar shartim bor,
Hisob bilgan bo'lmas xor.
Daraxtim o'n besh dona,
Bilim baxtga hamxona.

Bitta uz birinchidan,
Ikkita ikkinchidan.
Shu tartibga reja tuz,
O'n beshdan o'n beshta uz.

Savat olmaga to'ldi,
Sizga bitta ish qoldi:
Sanab sonini biling,
Bizlarga ma'lum qiling.


ALGEBRANING OTASI

Algoritm so'zida
Yashiringan nomlari.
Butun olamni tutgan
Dovruqlari, shonlari.

Agar bilsangiz, u zot,
Algebraning otasi.
Kim ekan bu donishmand —
Olimlarning kattasi?!

Koreys she'riyati va uning ajralmas bir qismi bo'lgan bolalar adabiyoti haqida so'zlash juda qiziqarlidir, chunki mehnatsevar va salohiyatli koreys xalqining so'z san'ati mingyilliklar bilan tutash. XII asrlarda yashagan Kim Busik, Kim Akadi va boshqa ko'pdan ko'p shoirlarning ijodi jahon xalqlari tomonidan e'tirof etilgan. Ayniqsa, koreys falsafiy she'riyati (shu jumladan, bolalar she'riyati ham) hayratlanarli darajada nozik va ko'pqirrali: birda u xayolchan, kishini fikrlar olamiga cho'mdirsa, birda ulug' donishmand Konfutsiy olami kabi murakkab, ba'zida buddizmni eslatadi.

Klassik koreys she'riyatining bir turi "sidyo" deb ataladi. Bu "oltilik" degan ma'noda bo'lib, muallif olti misrada butun o'y-xayollarini, iztiroblar, qalb ziddiyatlarini ayta olishi kerak. Va albatta, bu — yuksak badiiy timsollarga boy bo'lmog'i lozim.



tug'ilgan. "Yashil o'rmon" jurnalining noshiri va bosh muharriri bo'lib ishlagan. Hozirgi paytda "Adabiyot olami", "Chonbukning adabiy davralari" jurnallarida tahririyat a'zosi. Kim Xyon Chjo 6 jildlik "Yarqirab tur, balanddagi oy" nomli to'plam muallifidir. Uning she'rlari nihoyatda teran va ta'sirchan mazmunga ega. Dehqonlarning mashaqqatli hayoti, terga botib karam undirayotgan otalarning zahmati, o'z bolalarining baxti uchun o'zining butun borlig'ini ayamay umr o'tkazgan onalarning qalb olami, bolalar hayotida izg'irirlarni haydash uchun kurashayotgan ayol timsolini yaratish va hokazo mavzularda go'zal she'rlar yozgan.

Xvan Mun Kvon Seul shahrida tug'ilgan. Shu yerda universitetni va uning san'at bo'limida aspiranturani tamomlagan. Janubiy Koreya yozuvchilar uyushmasining faol a'zolaridan biri.

IZG'IRINLARNI HAYDOVCHI SHE'RIYAT

Sizlarni hozirgi shoirlar bilan tanishtirishdan oldin ikki og'iz koreys-o'zbek adabiy aloqalari haqida... 2002 yil 12 sentyabrda O'zbekiston va Koreya yozuvchilar uyushmalari o'rtasida ma'rifiy shartnoma imzolandi, bu shartnomada ikkala mamlakat yozuvchilari bir-birlarining she'riyatini tarjima qilish to'g'risida kelishib oldilar. Shartnomani Janubiy Koreya tomonidan "Adabiyot olami" nomli nashr boshlig'i Kim Chon Vu hamda Jahon adabiyotchilar assotsiatsiyasi a'zosi va "She'riyat dunyosi" jurnali noshirlaridan biri Kim Xyon Chjo imzolagan bo'lsa, O'zbekiston tomonidan

"Sharq yulduzi" jurnali muharriri Omon Muxtor va O'zbekiston yozuvchilar uyushmasi koreys adabiyoti kengashining raisi Boris Pak imzolagan edilar. Bu hamkorlik shartnomasi o'z mahsullarini bera boshladi: O'zbekiston Qahramoni Abdulla Oripov, "Sharq yulduzi" jurnali muharriri Omon Muxtor, o'zbekistonlik koreys shoirlari Boris Pak, Marta Kimlarning she'riy turkumlari "She'riyat dunyosi" jurnalida koreys tilida bosilib chiqdi. Bugun biz sizlarni ikki koreys shoiri bilan tanishtiryapmiz.

Kim Xyon Chjo 1960 yilda Chondju shahrida

"Mehr qalbinga kapalak bo'lib keldi" (1997), "Qalb so'zlari bilan" (1998), "Gul bargida yashayotgan nazokat" (2002) kabi she'riy to'plamlarning muallifidir. Uning she'rlari o'quvchini hozirgi zamon voqealari, sadoqat, hamkorlik, go'zal hayot haqidagi o'ylari bilan tanishtiradi.

Bu ikki shoirning she'rlaridan ayrim namunalarni men koreyschadan ruschaga tarjima qilib, o'zbekchaga tarjima qilish uchun shoirimiz Miraziz A'zamdand iltimos qildim.

Boris PAK

(Ruschadan M. A'ZAM o'girdi).



**KIM
XYON
CHJO**

YARQIRAB TUR, BALANDDAGI OY!

Onamga atalgan duo
Teran ajinlar ichra qutlug' qiyofa
Barmoqlarning siqilgan bo'g'imlari
Vaqtini yorug'likni o'zida jamlab
Oyim yura boshlar sahardan
Xuddi gulxan alangasiday.

Tirnoqlarin botirgan qorong'ilikka
Mangu horg'in
Onamning doim
Sertashvish yuzida
Ter tomchilari.

Erta tong
Izg'irin kelsa ufqdan
Pichirlab ko'kargan lablari
Oyim duo o'qir kaftlarin ochib
Izg'irinni daf qilmoq uchun.

Sabot bilan namsiz ko'z yoshlari bilan
Boshqalarga atagan butun hayotini
O'zi hech vaqosiz
Kun uzdu kun
Shunday mening oyim.

Vaqt o'tdi
Tiriklik dardida yurdi.
Mana endi
Faqat o'limligi bor.

Qashshoqlikdan qilardi hazar
Ayamasdi hech hayotini
Endi ketdi o'zga dunyoga.
To'lin oy! Oyimning go'rini yorit
Unga madad bergil, madad ber.

YOZ BOSHLARIDA

Soyalar oralab
Bahor kunlari
Gulbarglari bilan uchib boradi.

Ammo siz eshita olasizmi
Ana o'sha sirg'alyapgan sasni
Nafasi siqilib o'lyapgan sasni
Devorlarga asir bo'lyapgan sasni.

Ovozini yashirib jarliklarga
Barin uloqtirib ketin o'ylamay
Bo'shab qolgan jon ichra erib
Bo'g'ilgan tovushlar bo'g'chasi bilan

Bamisoli uzilgan simlarday
Yo'qlik sari ketib borar bahor
kunlari.

DEHQON

Tongotardan oldin uyg'onib
Shudringlarni notinch qilar u.

Yangi kuch-g'ayrat-la
Tongni kashf qilib
Karam jo'yaklarin siypalar.

Dehqon qalbining qudrati
Yerga quvvat qo'shar.

Oqib tushayotgan quyosh nurlarida
Zumrad shamol tebratar barglarni.

Bir-birlari bilan birlashib
Yordamlashib bir-birlariga
Sog'lom tongotarni kutib olar
dehqonlar.

KO'L

Bu — o'tgan kunlardir qaytib kelgan
Muz bo'lib qotib qolgan tomchilardir.

Bu — yo'qlik va vaqtning bahsdir
Kulmay va yig'lamay qilingan bahs.

Bu — muzqotgan hayot nafaslaridir
Mana shunday haqqoniy borliq.

TOG'LAR

Bir tovonni bosib
Ta'maga
Boshqasini esa
Uyatga

Oxir nafas olib
Osmonni teshib
Yovshanlarning achchiq ta'miday
Bu dunyoning g'amlarin bosib
Sovqo'gancha turishar tog'lar.

Yaproqlar zumradi
Hamda gullagan
Tabassumin yashirgan
Tog'lar.

XAZONLARGA

QARAB

Ortiq joy qolmadi daraxtda
Va bir-bir to'kildi xazonlar.

Osilib turishga joy yo'qdir balki
Borishga ham joy yo'qdir balki
Shamolilar amri-la haydalib
Borgan sari pastroq yanada pastroq
Yerga uchib tushmoqda ular.

Ajabo
Nahotki ular ham uchsa
Nahotki pastga tushsa,
mumkindir balki.

Kulrang makon ichra
Men-da bir jismman
Ammo hayhot na uzila, na-da qololaman
Kimgadir-birovga nafim tegarmikan?

SHUNCHAKI AVVALGIDAY

Kuzak yomg'irini
Olib ketgan yel
Ko'nglingni tozalar
Bag'ringdan o'tib.

Qaydan kelib qayga ketyapganingni
Bilmasang
Yo'lingda davom etaver,
Shunchaki avvalgiday.

Begonalar sendan kulgani
Ko'rinsa ham ko'rinmasa ham
Bu yel orasida
Suv bo'lib sharillab yog'aver
Shunchaki avvalgiday.

SUV SINGARI

Bo'shliq
Bo'shliq
Bo'shliq (kimsasiz makon)

Men o'zimga qanot izlayman
Shu mavjud borliqdan.

Bo'shliq bo'shliq bo'shliq
(kimsasiz makon)


Seni tinmay savalar zamon
Suv singari
Xuddi suv singari.

O'ZIGA IN QURAOYTGAN QUSH HAQIDA

Ko'p bo'ldi, juda ko'p bo'ldi bunga:
Qor bilan qoplangan tog'larda
Bir qush yashar edi yalqovdan yalqov
Kun uzdu kun yallo qilib yurardi.
U kuzatdi uzun sovuq tunlarni.
"Ertaga, albatta, bir in quray" deb
Ertadan kechgacha o'ylar edi u.
Ammo kun yorishar, ahdi qolib ketar—
O'sha-o'sha yallo qilib yurardi.

Kun ortidan kunlar shu taxlit o'tdi
Bir kun tiqilladi taqdir soati.
O'sha tun quturgan edi qorbo'ron
Yallochi afsus-la takrorlay ketdi
Ertaga deb yana, yana ertaga
Albatta boshpana tiklayman deya.
Ammo u aytganin qilolmay

**XVAN
MUN
KVON**



Va bardosh berolmay sovuqqa
Uyg'onmay qo'ya qoldi.

AYNAN SHUNDAY YASHASHGA BERINGIZ IMKON

Oddiygina
Yel dumidan tomgan nam ertagini
Yodlab yashamoqqa beringiz imkon.

Oddiy bodom bo'lib porlaydi-ku bahor
Tinglab alp gullarning qo'shiqlarini
Oppoq magnoliya gulin quchgancha
Bahor bilan raqs tushmoqqa
beringiz imkon.

Oddiygina
Qabul qilib yozning nishli jalsin
O'rmonning bag'riga ko'milib go'yo
Yangi kuylar tinglab, beton
yo'l bo'ylab
Dengizgacha borishga beringiz imkon.

Oddiygina
Kuzgi osmon tagida
Qalbga jiyda, kashtan rasmlarin solib
Yashamoqqa beringiz imkon.

Oddiy manqal yonida qor odam yasab
Qishda do'stlar bilan
gurunglashgancha
Yodga olib afsonalarni
Yashamoqqa beringiz imkon.

Mayli, hayot bir tush bo'lsa-da
Bor bo'lsa-da unda ko'z yoshlar
Yerda yer haydovchi dehqon singari
Yashamoqqa beringiz imkon.

Miraziz A'ZAM tarjimalari

**(Давоми. Боши ўтган
сонларда)**

Орадан тагин икки ой ўтди — ташқарига қўйилган пештахта жуда қўл келди: дўкондан одам аримай қолди. Сантьяго чамалаб кўрди: ишлар шу зайлда кетса, ярим йилдан сўнг у Испанияга қайтади, боз устига, олтмиш эмас, юз йигирма бош қўй сотиб олади. Бир йил ичида сурувиги сурув қўшилади ва у араблар билан савдонини бошлаб юборади. Чунки энди уларнинг тилида гапиришга баҳарнав ўрганди. Бозордаги ўша воқеадан бери у тўрвасидан Урим ва Тумим тошчаларини қайтиб олмаганди, боисики, Миср унинг учун, худди хўжайинига Макка

жойда муқим ўтирибман, бу орада ошналарим бир ёқларга кетишди, яна қайтиб келишди, бирларининг бозори касод бўлди, бошқалари бойиб кетишди. Алам билан шуларни ўйлардим. Энди амин бўлаёяман, дўконим ўзимнинг имконимга мос, ўзим хоҳлаган ўлчамдан экан. Уни кенгайтиришга ҳечам рағбатим йўқ, ўзи бундай ўзгаришлар қандай қилинади — билмайман ҳам. Ўзи билан ўзи андармон одамман.

Бир нима дейишга бўз боланинг тили айланмади. Қария давом этди:

— Сени менинг қошимга гўё Оллоҳнинг ўзи юборди. Биласанми, бугун мен нимани ан-

лур сеҳрли хусусиятга эга, деди у.

Тез орада бу хожатбарорлик ихтироси ҳамманинг қулоғига етди ва халойиқ кўҳна хунарга қандай қилиб янгидан жон киритиш мумкинлигини ўз кўзлари билан кўриш иштиёқида қирга ўрлаб келаверди. Бу орада биллур идишларга чой қуйиб берадиган бошқа қўналғалар ҳам пайдо бўлди, бироқ у жойларга терлаб-пишиб, машаққат чекиб ўрлаб борилмасди, шу боис улар бўм-бўш эди.

Кўп ўтмай дўконга яна икки нафар дастёр ёллашга тўғри келди. Энди бу ерда биллур сотишдан ташқари, янгилликка ишқибоз бўлиб келган сон-са-

кўзи тушмагани учун тўрвани ёдидан чиқариб юборган эди. Унинг ичида камзули ва китоби бор. У камзулини, кўчада бирорта болага совға қиларман, деган мўлжал билан тўрвадан чиқарди ва шу пайт бир жуфт тош — Урим ва Тумим ерга тушиб думалаб кетди.

Шу дамда бўз бола кекса подшоҳни эслади ва қанча вақтдан бери у ҳақда ўйламаганига ажабланиди. Ахир, бутун бир йил узлуксиз тер тўкиб меҳнат қилишга тўғри келди, чунки пул топиш керак, Испанияга қуруқ қўл билан сўппайиб бориб бўлмасди-да.

“Орзу-умидларингдан ҳеч қачон воз кечмагил, — деган

лар ўз ҳаётларининг қайсидир палласида у билан учрашгандай. Бироқ у менга: кимки ўз Тақдири йўлдан бораётган бўлса, мен унга кўринаман, деган эди”.

У хайрлашмай чиқиб кетди — беғоналар олдида йиғлашни ор билди. Бироқ у бу жойни, мана шу маконда ўрганиб, одатланиб қолган нарсаларни кўмсашини, соғинишини тушунарди. У бу жойда ўзига ишонч ва дунёни забт этгудай иштиёқ пайдо қилди.

“Ахир, мен қўй боқадиган таниш жойларга қайтаёяман”, — ўйлади у, бироқ бундай хуш хаёл ҳам негадир унинг кўнглига чироқ ёқмади. Орзуимни амалга оширай деб бир йил ишлади, мана энди бу орзу ушалай деб турганда дақиқа сайин ўзининг жозибасини йўқота бошлапти. Балки бу, умуман, орзу эмасдир?”

“Эҳтимол, биллур сотувчига ўхшаган бўлиш керакдир? У каби бир умр Маккани орзу қилиб, ҳеч қачон сафарга чиқмаган маъқулмикан?” — ўйлади бўз бола, бироқ у қўлида ушалаб турган тошлар ғойибдан унга кекса подшоҳнинг қуввати ва қатъиятини бераётгандай эди.

Ҳаройиб тасодиф туфайлими ёки бу ҳам бир белгидан даракми, ишқилиб, у ҳозир Танжерга келган биринчи кунда бош суққан емакхонага кирди. Албатта, ўшанда унга дуч келган товланачининг қораси кўринмасди. Хўжайин чой келтирди.

“Чўпонликка хоҳлаган пайтим қайтавераман, — ўйлади Сантьяго. — Қўй боқини, жун қирқини эплайман ва бу юмуш билан пул топа оламан. Бироқ бошқа пайтда эҳромларга бориш учун ҳозиргидай имконият бўлмаслиги мумкин. Кўкрагига олтин сипар таққан қария менинг бутун ўтмишимни биларди. Менга ҳақиқий подшоҳ ва боз устига, донишманд учраган эди”.

Уни Андалусия далаларидан атиги икки соатли йўл ажратиб турарди, бироқ эҳромгача бепонён сахро ястаниб ётибди. Бунга бошқача қараса ҳам бўлишини у тушунди: ҳозир йўл олса хазинагача кетадиган вақт икки соатга қисқаради, гарчи у, бу орада, бир йилни йўқотган эса-да.

“Нега қўйларимга қайтиб боргим келаётгани тушунарли: чунки уларни биламан, яхши кўраман, уларнинг ташвиши ҳам айтарли кўп эмас. Бироқ сахрога шундай меҳр қўйса бўлармикан? Ахир, мен интилган хазинамни айнан сахро ўз бағрига бекитган-ку. Агар уни тополмасам — уйга қайтаман. Бўлганча бўлди, ҳозир пулим ҳам, вақтим ҳам бор, нега бир уриниб кўрмаслигим керак?”

Шу дақиқада у жуда севиноб кетди. Чўпонлик доимо унинг илкида. Қолаверса, хоҳлаган пайтда ўзи ҳам биллур савдоси билан шўғуллана олади. Албатта, дунёда хазиналар ҳам кўп, бироқ бошқанинг эмас, айнан унинг ўзи бир тушни икки марта кўрди ва кекса подшоҳ унга дуч келди.

У емакхонадан думоғи чоғ бўлиб чиқди. Хўжайинига биллур етказиб турадиган, сахрода карвон билан юрадиган бир савдогар ёдига тушди. Сантьяго кафтидаги Урим ва Тумимни сиқди — шу тошлар шарофати туфайли у яна ўз хазинасини қидириб йўлга тушишга қарор қилди.

“Мен доимо ўз Тақдири йўлидан бораётганлар ёнидаман”, — у Мулксидқ сўзларини эслади. Бу жуда осон: савдо омборига бориб, эҳромлар бу ердан узоқ дейишади, шу ростми, деб сўраса бўлгани.

(Давоми бор.)

Аҳмад ОТАБОЕВ таржимаси

Пауло КОЭЛО

АЛКИМЁГАР

Роман

сафари ушалмас орзуга айланганидай, қўл етмас юдуз бўлиб қолди. Юмуши уни қониқтирар ва доим хаёлида кемадан Тарифга ғолиб сифатида тушиб келишини тасаввур қиларди.

“Ёдингда тут: ҳамма вақт айнан нимани исташингни аниқ билгин”, деган эди Мулксидқ.

Бўз бола биларди ва кўзлаган мақсадига етишиш учун тер тўқарди. Эҳтимол, бегона юртга келиб қолиш, бу жойда алдоқчиға йўлиқиш, кейин эса бир пул сарфламай сурувини икки баравар кўпайтириб олиш — буларнинг бари унинг пешонасига битилгандир?

У ўзидан мамнун эди. Кўп нарсани ўрганди: энди биллур сотишни эплайди, сўз ишлатилмайдиган тилни эгаллади, белгиларни балодай ўқади. Бир сафар у кимдир бировнинг ёзғираётганини эшитиб қолди: бу ерга чиқиб келгунингча силланг қурийдди, на ўтирадиган жой, на бир хўплам чой бор. Бунинг бир белги эканини Сантьяго дарҳол пайқайди ва хўжайинга деди:

— Қирга чиқиб келаётганларга чой сотсак нима қилади?

— Яхши таклиф, ўйлаб кўрса арзийди, — деди у.

— Чойни биллур идишларга қуйиб узатамиз. Одамлар бундан завқланади, биздан биллур сотиб олгилари келади. Одамлар гўзалликка ўч бўлишади.

Хўжайин бир сўз демай унга анча қараб турди. Бироқ шомга яқин, номозни ўқиб, дўконни бекитгач, қаршидаги тош йўлакка ўтиб ўтириб олди ва Сантьягога араблар қўлма-қўл қилиб чекадиган ғаройиб чилимни таклиф қилди.

— Қани менга айт-чи, сен нимага эришмоқчисан ўзи? — сўради у бўз боладан.

— Ўзингиз биласиз-ку, мен уйимга қайтишни хоҳлайман, қўй сотиб олмақчиман. Бунинг учун менга пул керак.

Қария чилимга чўғ ташлади ва қуруллатиб тортди.

— Ўттиз йилдан бери шу дўконда савдо қиламан. Биллурнинг тозасини ёмонидан фарқлай оламан, савдонинг сир-асрорини биламан. Ишим юришиб турганидан димоғим чоғ, яна кенгайтиришга эса ҳафсалам йўқ. Харидорларга биллурда чой узатиб турсанг ва қарасангки, чиндан даромад ошгандан ошса; унда бутун дўкону дастгоҳни янгилашга тўғри келади.

— Хўш, бунинг нимаси ёмон?

— Э, мен шундай яшашга ўрганиб қолганман-да. Сен бу ерда йўнганда кўп хаёл сурардим: не замонлардан бери шу

ладим: Оллоҳнинг иноятига шуқр қилмаслик лаънат бўлиб қайтади. Мен ҳаётдан бундан ортиқ яна нималарнидир таъма қилмайман, сен эса мени қайларгадир бошламоққа уринасан. Ўша ёқларга қараб туриб ўзимнинг қурбимни англаб етаман ва ўзимни бурунгидан-да баттар ҳис етаман. Қўлим узайиб, имкониятим ошган бир пайтда энди менга кўп нарсанинг кераги йўқ.

“Маккабодроқ сотувчига бир нима деб гапирмаганим ҳам яхши бўлган экан”, — ўйлади Сантьяго.

Улар бироз чилим чекиб ўтиришди. Қуёш ботди. Хўжайин билан бўз бола арабчада гаплашарди — Сантьяго бу тилни эгаллаб олганидан мамнун эди. Бир пайтлар, бошқача яшаб юрган вақтларида, унга гўё қўйлар ҳамма нарсани фахмлайдигандай туюларди. Бироқ мана бу араб тилини улар ҳеч қачон ўрганолмайдди.

“Демак, улар ўрганолмайдиган бошқа нарсалар ҳам бор, — ўйлади у, хўжайинга жим қараб кўяркан. — Чиндан, улар ўт билан сувни қидиришни билади, холос. Бунга ҳам ўзлари ўрганини йўқ — мен ўргатдим уларни”.

— Мактуб, — деди ниҳоят биллур сотувчи.

— Бу нима дегани?

— Уни билиш учун араб бўлиб туғилиш керак, — жавоб қилди у. Маъноси, тахминан, “шундай битилган” дегани.

У чилимнинг чўғларини ўчира туриб, Сантьягога эртадан бошлаб биллур идишларда чой сотишнинг мумкин, деди. Ҳаёт дарёсини тўхтатишнинг иложи йўқ.

Одамлар машаққат чекиб қияликдан юқорига ўрлар ва тепада туйқусдан рўпарадаги дўконга кўзлари тушиб қолар, бу жойда уларга бежирим биллур идишларда яхна хуштаём чанқовбосди чой таклиф этишарди. Шундай дамда дўконга бош суқмай, чойдан ичмай бўладими?!

“Бу менинг хотинимнинг етти ухлаб тушига ҳам кирмайди!” деди бир нечта биллур идиш харид қилган киши: шу кунни кечқурун уникига меҳмон келадиган ва у ана шу чиройли биллурлар билан уларнинг кўнглини овламоқчи эди.

Бошқа бир харидор биллурда ичилган чойнинг таъми зўр бўлади, чой биллурда хушбўйлигини сақлайди, деди. Яна бири эса Шарқда азалдан биллурда чой ичиш анъанаси борлигини ёдга олди, чунки бил-

ноқсиз кишиларга тинимсиз чой улашилди.

Шу тахлит ярим йил ўтди.

Кўёш чиқмай туриб Сантьяго уйғонди. Африкага илк бор қадам босганидан бери ўн бир ой-ю тўққиз кун ўтибди.

У оқ матодан тикилган, атай бугунги кунга деб харид қилинган арабча бурнусни кийди, бошини рўмол билан ёпди ва устидан туя терисидан қилинган ҳалқани солиб тортди-да шиппакни оёғига илиб, овоз чқармай пастга тушди.

Шаҳар ҳали уйқуда. Сантьяго мураббо билан бир тўғрам нон еди, биллур стакандан қайноқ чой ичди. Кейин дўконнинг бўсағасига ўтириб чилим чеқди.

У шу тахлит ёлғиз ўзи, хаёлига ҳеч нимани келтирмай, сахро ҳидини уфириб бир текис, тинимсиз эсаётган шамол сасига қулоқ тутиб чекиб ўтирди. Чекиб бўлиб, қўлини чўнтагига тикди — бир неча дақиқа чўнтагидан олган нарсасига қараб турди.

Унинг бармоқлари бир сиқим пулни маҳкам ушлаб турарди — бу пулларга қайтиш учун патта олса ҳам бўлади, яна ўз йигирма бош қўй ва тагин ҳозир ўзи турган мамлакат билан Испания ўртасида савдо қилиш учун рухсатнома харид қилса ҳам бўлади.

Сантьяго хўжайиннинг уйғониб, дўконни очишини тоқат билан кутди. Кейин улар биргалиқда яна чой ичишди.

— Бугун мен жўнайман, — деди бўз бола. — Энди менда қўй сотиб олишга, сизда эса Маккага боришга етарли маблағ бор.

Хўжайин сукут сақлади.

— Мени дуо қилинг, — жиддий оҳангда деди Сантьяго. — Сиз мени қўлладингиз.

Қария ҳануз чурқ этмай чой қайнатиш билан машғул эди. Ниҳоят у бўз бола томон бурилди.

— Мен сен билан фахрланаман. Сен дўконимни жонлантириб юбординг. Бироқ билгин: мен Маккага бормайман. Яна шуни ҳам билиб қўйгин: сен қўй сотиб олмайсан.

— Ким айтди сизга буни? — ҳайрон бўлиб сўради Сантьяго.

— Мактуб, — қисқа жавоб қилди биллур сотувчи Савдогар.

Ва у бўз болани дуо қилди. Шундан сўнг Сантьяго ўзи ётадиган хонага кирди ва ул-бул нарсаларини йиғиштирди — лаш-лушлари уч қоп бўлди. Эшикдан чиқаётиб уй бурчагидан ётган эски чўпонлик тўрвасини кўриб қолди, кўпдан бери

эди унга Мулксидқ. — Белгиларга эргаш”.

Бўз бола тошларни териб олди ва шу пайт уни яна ғаройиб туйғу чулғади, гўё қария ёнгинасида эди. Машаққатли меҳнат билан ўтди шу бир йил, энди эса белгилар бу ердан жўнаб кетишга ишора қилаётди.

“Мен яна аввал қандай бўлсам, айнан ўша зайлимга қайтаман, — ўйлади у, — бироқ қўйлар мени арабча гапиришга, барибир, ўргата олмасди”.

Бироқ қўйлар унга муҳим бир сабоқ берган эди: дунёда барчага бирдай тушунарли сўзсиз тил борлигини ўргатганди. Утган бир йил мобайнида савдо-сотикни жонлантирай, деб Сантьяго ана шу — ҳаммага тушунарли тилда гапирди. Бу ғайратланиш, завқ-шавқ тили эди, ишни меҳр-муҳаббат ва хоҳиш-ирода билан қиладиган, ишончу хоҳишингга қувват берадиган тил эди. Танжер энди унга бегона жой эмас, энди бўз боланинг дунёни, худди бу шаҳарни забт этганидай, забт эта олишга кўзи етиб турарди.

“Агар бирор-бир нарсани чин дилдан орзу қилсанг бутун Олам унинг амалга ошишига кўмаклашади”, — кекса Мулксидқ шундай деган эди.

Бироқ қария фақат орзу қилиб, амалда уни чин дилдан истамайдиган талончилар, беҳудуд сахро-ю одамлар ҳақида чурқ этмади. У бўз болага эҳром деганлари шунчаки санзор экани, агар хоҳласа ҳар қандай одам чорбоғида бундай тошлар уюмини тиклай олиши ҳақида ҳам гапирмади. Бироқ кекса подшоҳ унга, агар ортириб қўй сотиб олишга пул йиға олса, бу қўйларни у сотиб олиши кераклигини айтиб қўйишни унутганди.

Сантьяго тўрвасини олиб, бошқа лаш-лушларига қўшиб қўйди. Хўжайин харидорларга хизмат қилар, яна икки нафар харидор дўкон ичида биллур стаканларда чой ичишиб айланиб юришарди. Бундай маҳалда дўконда, одатда, харидорлар кўп бўлмасди. Шу дамда Сантьяго хўжайиннинг сочлари Мулксидқнинг сочларини эслатишини пайқайди. Танжердаги биринчи тонг маҳали унинг ёдига тушди, ўшанда на борадиган жойи ва на бирор егулиги бор эди; қандолатчининг табассуми ҳам ёдига тушди ва бу табассум ҳам кекса подшоҳни эсига солди.

“Худди Мулксидқ бу ердан ўтгандай, ҳамма нарсада ўзининг изини қолдиргандай, — ўйлади бўз бола. — Гўё бу одам-

ИРОҚДА ҲАЁТ ИЗИГА ТУШМОҚДА


Саудия Арабистонининг «Al-Sharq al-Awsat» газетаси ёзишича, Ироқдаги ҳарбий амалиётларнинг аксар қисми ниҳоясига етганидан сўнг, Умм-Қаср шаҳрида радиостанция фаолияти йўлга қўйилди. Кўшни Кувейт давлати кўмағида эфирга чиқа бошлаган радиостанцияда миллий кўшиқлар, радиоспектакллар эшиттирилмоқда.

«Франс-Пресс» агентлигига интервью берган Америка офицерининг айтишича, денгиз пидеда кўшинлари Бағдоддан олиб чиқилмоқда ва бу амалиёт 22 апрелга қадар якунига етиши керак. Бағдод хавфсизлигини эса 30 минг кишилик 4-денгиз пидедачилари дивизияси таъминлайди.



ПАУЭЛЛ ЯҚИН ШАРҚҚА КЕЛАДИ

АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл шу кунларда Яқин Шарққа сафар уюштиришини маълум қилди. Бир йилдан буён ушбу минтақага келмаган Пауэллнинг мақсади Исроил-Фаластин ўртасидаги тинчлик музокараларини тиклашдир. Шунингдек, у Сурия давлатида ҳам бўлиб, расмий Дамашқнинг ўз ҳудудига Ироқнинг собиқ раҳбарларини киритмаслиги бўйича ҳам музокаралар олиб боради. Боиси, Кўшма Штатлар наздида Сурия Саддам Хусайн ва унинг тарафдорларига ўз ҳудудидан бошпана топишларига имкон берган ҳамда кимёвий қуроллар ишлаб чиқармоқда, дея хабар беради «Ассошиэйтед Пресс» агентлиги.



ҚОТИЛЛИК СИЁСИЙ МАҚСАДДА УЮШТИРИЛГАН

Москва шаҳар прокурори Михаил Авдюковнинг айтишича, 17 апрель кунини ўлдириб кетилган «Либералл Россия» партияси раиси Сергей Юшенков фожеасига унинг касбий фаолияти сабаб бўлган бўлиши керак. Пайшанба кунини кеч соат 7ларда Москва шаҳрининг Тушино туманидаги Озодлик кўчасида жойлашган уйи ёнида хизмат машинасида нидан сўнг, орадан бир неча сония ўтиб қуролланган киши унга қарата ўқ узди. Натижада Россия давлат думаси депутати Юшенков ўша жойнинг ўзида ҳалок бўлади. Фожеа муносабати билан марҳум оиласига ҳамдардлик изҳор этган Россия президенти Владимир Путин ушбу жиноят билан шугулланиш учун бош прокурорга кўрсатма берди. «Либералл Россия» партияси аъзоларининг фикрича ҳам Сергей Юшенков сиёсий мақсадда ўлдириб кетилган. Ҳозирда қотил шахс қидирилмоқда.



орадан бир неча сония ўтиб қуролланган киши унга қарата ўқ узди. Натижада Россия давлат думаси депутати Юшенков ўша жойнинг ўзида ҳалок бўлади. Фожеа муносабати билан марҳум оиласига ҳамдардлик изҳор этган Россия президенти Владимир Путин ушбу жиноят билан шугулланиш учун бош прокурорга кўрсатма берди. «Либералл Россия» партияси аъзоларининг фикрича ҳам Сергей Юшенков сиёсий мақсадда ўлдириб кетилган. Ҳозирда қотил шахс қидирилмоқда.

БРИТАНИЯНИНГ АФҒОНИСТОНДАГИ ЯНГИ БАЗАСИ

Буюк Британия ёз фаслида Афғонистон шимолидаги Мозори-Шариф шаҳрида ўзининг кичик ҳарбий базасини барпо этмоқчи, дея хабар беради «Новости» ахборот маҳкамаси. Қобулдаги Британия элчихонасининг билдиришича, бундан мақсад шаҳардаги хавфсизликни таъминлаш ҳамда маҳаллий қарама-қаршилиқларга чек қўйиш. Боиси, ўтган ҳафта Фарёб вилоятида юз берган дала кўмондонларининг шундай тўқнашуви туфайли 17 киши ҳалок бўлди ва 13 киши яраланди.

Бугун эса Гардез, Бомийён, Кундуз шаҳарларида Америка Кўшма Штатларининг ана шундай кичик базалари иш қилмоқда.

МАДАНИЙ БОЙЛИКЛАР ТАШВИШИ

ЮНЕСКОнинг Париждаги штаб квартирасида Ироқдаги тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаб қолиш бўйича турли давлатлардан келган мутахассисларнинг анжумани бўлиб ўтди. Уларнинг олдидаги вазифа эса ҳарбий операциялар ва ўғирликлар натижасида Ироқнинг маданий бойлиқларига етказилган зарарни баҳолашдан иборат бўлди.

Ундан аввалроқ эса ЮНЕСКО бош директори Коитиро Мацуура АҚШ ва Буюк Британия ҳукуматларини дарҳол Ироқдаги музейлар, кутубхоналар, маданият марказларининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича чоралар кўришга чақирган эди. 80 йил аввал ташкил этилган биргина миллий музейнинг ўзидан катта қийматдаги тарихий ва маданий ёдгорликлар ўғирлаб кетилган. Коитиро жаноблари Ироқ билан кўшни давлатлар ҳамда санъатга дахлдор савдо билан шугулланадиган ташкилотлардан ўғирланган бойлиқларни қайтарилишида ёрдам беришларини сўраган.

«Интернет» тармоғидан олинди.



Safar taassurotlari

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги педагог ходимларни қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш институтлари ректорларидан иборат делегация Польшада бўлиб қайтди. Бир ҳафталик сафар кичига бу мамлакатнинг малака ошириш ва таълим тизимлари бўйича тасаввур беради.

давлат органи ҳисобланган РАДА томонидан тайинланади. Худудий таълим бошқармаларининг ижро кўмитаси таркиби ҳам РАДА томонидан тасдиқланади.

Ўз-ўзини бошқаришнинг уч бўғини мавжуд бўлиб, ўқувчилар ва аҳоли сонига асосан куйидагича белгиланган:

1. ГМИН — ўз-ўзини бошқаришнинг кичик бўғини бўлиб, 5-6 минг аҳоли яшайдиган пунктда ташкил этилади.
2. ПОВЯТ — ўз ичига 5-6 ГМИНни

лар ҳисобга 20 фоиз молиялаштирилади.

Таълим муассасаларини бевосита вазирлик томонидан тайинланган куратор назорат қилади. Назорат бир ўқув йилида икки маротаба амалга оширилади. Мактаб фаолиятини текшириш режа асосида тўрт йилда бир маротаба амалга оширилади. Ушбу назорат асосида мактабдаги таълим-тарбия ишларига умумий баҳо берилади. Таълим мазмунининг асоси ҳисобланган дарслик ва дастурлар вазирликнинг тавсияси ва тасдиғидан ўтказилади.

Интеграциялашган таълим педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида ҳам мавжуд. Бундай ёндашув ўзаро яқин соҳаларга тегишли фанлар орасидаги алоқалар боғлиқлигини таъминловчи ва мутахассисларни турли фан асослари билан яқинроқ таништириш имконини яратувчи муҳим омил ҳисобланади. Агар бизнинг мактабларимизда 24 та фан асослари ўқитилса, Польша мактабларида интеграцион таълим асосида 16 та предмет мавжуд.

Малака ошириш марказларида ҳар бир предмет бўйича консультантлар фаолият юритишади. Малака ошириш мажбурий эмас. Бу курсларда машғулотлар олиб бориш учун юқори малакали, илғор тажрибали мутахассислар жалб қилинади. Марказ методистлари тингловчиларнинг методик маҳоратини ошириш билан боғлиқ машғулотлар ташкил этишади.

Таълим ходимлари малакаси биздаги сингари олий, ўрта махсус, касб-хунар ҳамда умумий ўрта таълим тизимларини қамраб олган.

Х.ЙЎЛДОШЕВ,
Тошкент шаҳар педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ректори, профессор

ПОЛЬША ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ХУДУДИЙ БОШҚАРМАЛАР

Польша таълим тизимидаги энг муҳим жиҳат маҳаллий ўз-ўзини бошқариш шаклининг ушбу соҳага тегишли тадбирлардаги фаол иштирокидир. Ўз-ўзини бошқариш тизими уч босқичдан иборат бўлиб, биринчиси худудий мактаб ва боғчалар бошқармаси ҳисобланади. Уларни ўз сардорлари бошқаради.

Иккинчи босқичга эса гимназия, интернат ва болалар уйлари қиради. Бошқарув сардор раҳбарлигида амалга оширилади. Биринчи ва иккинчи босқичдаги бошқарув тизимида сардордан ташқари, унинг ёрдамчиси ва маданият ҳамда спорт бўлими фаолият кўрсатади.

Учинчи босқич таълим муассасаларини маҳаллий ўз-ўзини бошқарув тизимларининг раҳбари ҳисобланган маршал томонидан идора этилади. Маршал

қамраб олади.

3. ВОЕОВОДАЛИК — 12-13 ПОВЯТни ўз ичига олади.

Бундай таркибий тузилмалар худудий бошқармалар ишининг сифатини оширади. Ўз-ўзини бошқариш тузилмалари маҳаллий таълим тизимининг ўқув-моддий базасини ташкил этувчи, турли ташкилий ишларни амалга оширувчи худудий идора ҳисобланади. Бундай худудий бошқармалар мактабларнинг моддий-техник ва ўқув базасини назорат қилади. Таълим мазмунини назорат қилиш улар вазифасига кирмайди. Таълим муассасалари давлат ва худудий ишлаб чиқариш корхоналари ҳомийлиги ҳамда турли тушумлар ҳисобидан маблағ билан таъминланади. У давлат томонидан 80 фоиз, худудий ишлаб чиқариш ва турли йғим-

КАСАЛЛИК МУШУҚДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАНМИ? Ёхуд Хитойда пайдо бўлган янги вирус хуружи



Хитойнинг Гуандун вилоятида пайдо бўлган номаълум юқумли касаллик (SARS) бугун дунёнинг 25 давлатига тарқалишга улгурди. Тобора ўз хавфини ошириб бораётган SARS туфайли ҳозирча умумий миқдорда 164 нафар киши ҳаётдан кўз юмди ва 3293 киши зарарланди. Айни дамда Хитойнинг мазкур вилоятида, Гонгконг шаҳрида, Канада, Тайван ва Сингапур давлатларида вазият тобора жиддийлашиб бораётган бўлса, Жанубий-Шарқий Осиё давлатларига сафар қилган европаликлар SARSнинг бошқа мамлакатларга ҳам кўчиб ўтишига имкон яратмоқдалар. Шу сабаб, Германия, Ирландия, Руминия, Россия, Швейцария, АҚШ ва Канадада ҳам номаълум касаллик билан оғриган беморлар шифохонага ётқизилмоқда.

Осиёдан ташқарида бўлган Канаданиннг ўзида касалликка дахлдор 103 та ҳолат кузатилган бўлса, 13 нафар беморнинг ҳаётини сақлаб қолишга муваффақ бўлинмади. Қуни кеча илк бор Хиндистон-

нинг сайёҳликка мўлжалланган Гоа штатида яшовчи 32 ёшли Эрашин Вардхн ушбу хасталик билан оғриганлиги тасдиқланди. Маълум бўлишича, у яқинда Сингапур давлатида сафарда бўлиб қайтган экан. Шунингдек, кўшни Қозғистоннинг Актау шаҳрида ҳам 8-16 апрель кунлари Пекингга бориб келганидан сўнг, ўзида ҳарорат кўтариллиши, қуруқ йўтал ва умумий дармонсизликни сезган ва шифокорларга мурожаат қилган. Ҳозирда у ва у билан мулоқотда бўлган яқинлари шифохонада даволанмоқдалар. Шифокорларнинг фикрича, ўзида ҳарорат кўтариллиши, йўтал, бош оғриши, нафас олишнинг қийинлашиши ҳамда умумий дармонсизликни сезган кишилар дарҳол тиббиёт хизматида мурожаат этишлари керак. Акс ҳолда, унинг оқибати салбий ҳолатларни келтириб чиқаради.

Бугун вазиятнинг жиддийлиги боис, АҚШ ва Европа мамлакатлари ўз фуқароларининг Осиё давлатларига вақ-

тинчалик сафарга бормай туришга, борилган тақдирда ҳам зарур кишилар билан имкон қадар камроқ мулоқотда бўлишга чақирмоқдалар. Россияда эса Хитойга қатнайдиغان самолётлар парвози қисқартирилмоқда.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг «расмий Пекин ҳақиқий ҳолатни, яъни касаллар сонини яширмоқда» мазмуниндаги танқидига учраган Хитой ҳукумати мазкур ташкилот билан кенг қамровли ҳамкорлик қилишга ваъда берган. Айни вақтда эса Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг дунё мамлакатларидаги 11та лабораториясида касалликни аниқлаш ишлари олиб борилмоқда ва бу борадаги илк муваффақиятларга ҳам эришилди. Жумладан, Голландиянинг Роттердам шаҳридаги Эразм университетининг олимлари маймунларда тажриба ўтказиб кўрганлар. Яъни, номаълум касаллик вирусини, дея айтилаётган янги коронавирус маймунлар организмидан сўнг, уларда ҳам худ-



Уқувчиларга замон талаби даража-сида таълим-тарбия бериш ҳозирги куннинг асосий масалаларидан биридир. Шу мақсадда мактабимизда кўплаб фан беллашувлари ўтказилиб турилади. Қуйида сизга тавсия қилаётганимиз — компьютер саводхонлиги беллашувида уқувчиларнинг олган таассуротлари узоқ вақт сақланиб қолади, уз истеъдодлари ва билимларини намойиш қилишга эркинлик яратади.

Залга информатика фанига оид стендлар ва иккита компьютер қўйилади. Бошловчи саҳнага чиқиб, беллашув шартлари ва гуруҳ аъзолари, ҳакамлар ҳайъати билан таништириб ўтади.

1-шарт кириш бўлиб, унда гуруҳлар фанга оид уз чиқишларини намойиш қиладилар. Бу шартни 11-А синфнинг "Интернет" гуруҳи бошлаб беради. Саҳнага гуруҳ аъзоларидан бир уқувчи чиқиб:

— Мен **INPUT** операториман, **AS** ни киритинг, — дейди. Гуруҳ аъзолари ҳар қайсиси бир оператор бўлиб чиқишади:

INPUT-INPUT — бу киритиш,

PRINT — эса чоп қилиш

END — кераксиз дастурларни

Учириб утирманг ҳеч,

NEW операторини ёзсанг

Хотирадан учар тез.

IF, THEN ELSE—

Вазифамдир шарт қўйиш

Бажараман шундай иш.

Агар шартим унутсанг

Аҳволинг булур танг.

Узоқни яқин қилган,

Ҳамма назарга илган,

Узоқдан хабар берган,
Бу бизнинг— "Интернет" (жур бўлиб).

END оператори келиб:

— Киришимиз тамомдир

Бугун яхши замондир

Сукут сақлаб бир нафас



Рақибга берайлик навбат.

Навбатни 11-Б синфнинг "Windows" гуруҳи давом эттиради.

2-шарт. Гуруҳ кўкрак нишонини компьютерда шакл ясаш операторлари ёрдамида тузиб, тасвирлаб бериши ва шарҳлаши керак бўлади.

Эмблема шарҳи: Юқорида давлатимиз байроғи акс эттирилган, бу тинчлик рамзидир. Компьютер билан ер шарни тасвири эса, компьютерни мукамал билган киши дунёни билари деган маънони англатади. Энг пастида гуруҳ номи ёзилган бўлиб, у ҳар хил рангда чиқади.

"КОМПЬЮТЕР ШОУ" МУСОБАҚАСИ



ди деган маънони англатади. Энг пастида гуруҳ номи ёзилган бўлиб, у ҳар хил рангда чиқади.

3-шарт. Бу шартда фанга оид саволлардан тузилган кроссвордларни гуруҳлар алмашиб ечишлари керак. Кроссворд кўриниши: Энига: 2. Операцион система. 7. Операцияни рад этиш. 8. NC дастури муаллифининг фамилияси 9. Манзил шакли..

Ogohlik

Бугунги кунда ер юзиде гиёҳвандлар сони 200 миллиондан ошиб кетди. Уларга сотилётган наркотик моддалар савдосидан эса йилига 400 миллиард АҚШ доллари миқдориде "даромад" кўрилмоқда.

Бунинг ортидан қанчалаб иллатлар юзага келмоқдаки, уларнинг авж олишини XX асрнинг бошларида жаҳон ҳамжамияти яхши тушуниб етганди. Ва унинг олдини олиш учун бир қатор ишлар амалга оширилганди. Бу борада дастлаб 1909 йили Шанхай опийум комиссияси иш бошлади.

1912 йили биринчи опий конвенцияси қабул қилинди.

1946 йили БМТнинг наркотик моддалар бўйича ишлаш комиссияси тузилди.

1955 йили БМТнинг наркотиклар оқибатида бўладиган жиноятларнинг олдини олиш конгресси иш бошлади.

1961 йили наркотик моддалар борасидаги ягона конвенция қабул қилинди.

1968 йили халқаро наркотикларни назорат қилиш бўлими ташкил топди.

1971 йили психотроп моддалар бўйича конвенция қабул қилинди.

1988 йили наркотик ва психотроп моддалар савдосига қарши конвенция қабул қилинди.

1990 йил БМТ Бош Ассамблеясининг ноқонуний наркотик савдосига қарши умумий жаҳон дастури ишлаб чиқилди.

1991 йили БМТнинг халқаро гиёҳвандликни назорат қилиш дастури ишлаб чиқилган.

1997 йили БМТнинг халқаро жиноятларнинг олдини олиш маркази тузилди.

1998 йили Бош Ассамблея-

нинг "Дунё гиёҳвандлик моддаларини биргаликда ҳал қилайлик" номли махсус XX сессияси бўлиб ўтди.

1999 йили гиёҳвандлик орқали содир этиладиган террорнинг олдини олиш бўлими очилди.

Хўш, биз бу манбаларни нима учун келтирдик?! Келинг, яхшиси шулар ва гиёҳвандлик ҳақида мулоҳаза юритсак.

ГИЁХВАНДЛИК НИМА?

Бу саволни тиббиётга яқинроқ фикр билан бошласак, гиёҳвандлик — бу бош мия функ-

ҳар бир гиёҳвандда ўзгача намоён бўлади. Бу узундан узоқ калаванинг учини топиш ва унинг охирига етишнинг ўзгинасидир. Чунки у тўсатдан ёки бирданига бўлмайди. Унга кириб қолган шахс нима қилишни билмай қолади.

Гиёҳвандликнинг тарихи жуда қадим замонлардан бошланганлиги ҳақида маълумотлар бор. Масалан, "Опий" бундан 600 йил илгари қўлланилган, унинг ухлатувчи таъсири миллиондан олдинги 2000 йиллардаёқ Шарқий Ўрта ер денгизи халқларига маълум бўлган. Искандар Зулқарнайн эса кўкнори ўсимлигини Жанубий Осиёга эраимиздан аввалги IV асрда келтирган экан. Жанубий-Шарқий

га мушарраф бўлишингиз чексиз қувончдир. Ширин орзулар, умид ва ишонч билан унга тарбия берасиз, вояга етказасиз. Лекин, фарзандингиз улғайган сари у билан боғлиқ орзуларингиз қаторида ғам-ташвишлар ҳам ортиб бориши мумкин. Мутахассисларнинг айтишича, наркотик модда истеъмол қилиш кўпинча 15-19 ёшлардан бошланаркан.

Авалло, гиёҳвандлик домига тушиб қолган ўсмир кўп нарсаларга лоқайд бўлиб қолади, оила ташвишлари уни мутлақо қизиқтирмай қўяди, ёлғон гапира бошлайди:

Бундай ёшлар турли баҳоналар билан кўчага интилади, кеч қайтади, мактабга бормай қўяди.

ҚОРА АЖАЛНИНГ ОҚ КЎРИНИШИ

циясини шикастлайдиган, асаб (нерв) хужайраларининг емирилиши, бугун организмнинг ички аъзолари фаолиятини издан чиқарувчи ва бевақт ўлимга олиб келувчи ўта оғир, сурункали хавфли касаллик ҳисобланади.

Гиёҳвандлик тасодифий ҳолат эмас. Унинг олдини олиш учун, аввало, нималигини тушуниш, сабабларини билиш керак. У келтириб чиқарадиган оқибатларни ҳолисона ҳал қилгандагина олдини олиш ва қарши курашиш ишларини олиб бориш мумкин. Наркотик моддаларнинг тури кўплиги боис, унинг организмга таъсири, физиологик ва психологик белгилари

Осиёга Ҳиндистондан XVII асрда келтирилган "оқ ajal", Европада XVI асрда қўлланилган экан.

Героин ва унинг хом ашёларини ишлаб чиқаришда Таиланд—Бирма—Лаос — машҳур "Олтин учбурчак" ҳисобланса, Покистон-Афғонистон-Эрон машҳур "Олтин Яримой" ҳисобланади.

ФАРЗАНДИНГИЗ БАНГИ ЭМАСМИ?

(Азиз ота-оналар, буни билиб қўйганингиз яхши)

Табарруқ хонадонингизда фарзанд дунёга келиши бахти-

Улар хаёлчан бўлиб қолади, фикрини аниқ ифода қила олмайди. Сизнинг маслаҳатларингиз ёқмайди, танбех берсангиз жеркиб ташлайди, тез-тез ғазабланади. Баъзан ичи суриб, хожатхонага кўп қатнайди. Кайфияти ўзгарувчан бўлиб қолади, гоҳ хушчақчақ, гоҳ тушкун ҳолатда бўлади, баъзан ўзи билан ўзи гаплашади. Турли баҳоналар билан тез-тез пул сўрайди. Уйингизда пул, қимматбаҳо буюмлар йўқолиб туради. Янги "ошна"лар орттиради, улар билан сўзлашаётганда сиз тушунмайдиган турли ибораларни ишлатади.

Фарзандингиз киёфасидан наркотик модда истеъмол қила-

Sinab ko'ring

Буйига: 1. Куриш воситаси. 3. Сана, вақтни тақдим этиш формати. 4. Матн муҳаррири. 5. Юқори индекс. 6. Электрон жадвал номи. 7. Локал тармоққа қўшилишни бошқариш.

4-шарт. Бунда компьютерда олдиндан тузилган тест саволлари бўлади. Ҳар гуруҳдан икки уқувчи компьютер олдида келиб, тестни бажариши керак. (10 саволли тестда 10 минут вақт берилади).

5-шарт. Қизиқарли саволлар беллашуви.

Бунда фанга ва бошқа соҳага доир берилган саволларга (10 тагача бўлиши мумкин) уқувчилар тез ва аниқ жавоб беришлари керак.

6-шарт. Компьютер ўйини.

Ҳар гуруҳдан бир уқувчи компьютер олдида келади. Компьютер ўйинидан биттаси танланади ва ўйнайди. Қисқа вақт ичида кейинги босқичга биринчи бўлиб келган ўйинчи ютган ҳисобланади.

7-шарт. Муаммоли интермедия.

Бу шартда уқувчилар замонавий ахборот технологиялари ривожланиши ҳақида юморга доир интермедияни уз тасаввурлари доирасида намойиш қилишлари керак.

Барча шартлар ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланиб борилади ва ғолиб гуруҳ аниқланиб тақдирланади. Беллашув шартларига қўшимча ўзгаришлар киритилса ва бойитиб тайёрланилса, янада мақсадга мувофиқ бўлади.

Озод ЯРЛИҚОБОВ,

Насиба ЎТАБОВА,

Хоразм вилояти Янгибозор туманидаги 20-сонли мактабнинг информатика фани ўқитувчилари

Шерзод АҲМАТОВ,
Жамшид ШАРИПОВ,
"Ma'rifat" мухбирлари

МАКТАБДА СПОРТ РАВНАҚИ

Навоий туман халқ таълими бўлими соғлом авлодни вояга етказишда болалар спортини ривожлантиришнинг асосий омил бўлган жисмоний тарбия дарсларининг мазмунига катта эътибор қаратмоқда. Куни кеча 8-ўрта мактабда "Спорт ишлари ва уни ташкил қилиш" мавзусига бағиш-лаб ўтказилган семинар фикримизнинг исботидир. Унда спорт майдончаларини талаб даражасига келтириш, спорт анжомлари би-

лан жиҳозлаш ҳақида гап борди. Шундан сўнг мактаб ўқувчилари ўртасида футбол, югуриш, тош кўтариш, кураш, шахмат, турникда тортилиш бўйича мусобақалар ўтказилди. Голиблар "Наврўз" маҳалла фуқаролар йиғини, "COSCOM" қўшма корхонасининг Навоий бўлими томонидан таъсис этилган совғалар билан мукофотландилар.

Дилнавоз НАМОЗОВА

"Қувноқ стартлар" телевизион мусобақаларининг ярим финал беллашувларида Фарғона вилоятининг Сух туманидаги 10-мактабнинг "Обишир" ва пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманидаги 116-мактабнинг "Ниҳол" жамоалари баҳс юритдилар. Дастурнинг биринчи мусобақасида ("Кен-

"Quvnoq startlar"

ди (3:3) "Тусиқли эстафета" ва конкурс баҳсларида "Обишир" жамоаси аъзолари голиб чиқишиб, 7:4 ҳисобида олдинга утиб олишди.

Қолган иккита уйинда ("Жамоамиз —

ЎЙИНЛАР ШИДДАТЛИ КЕЧДИ

гуру уйини") "Обишир" жамоаси анча чаққон ҳаракат қилиб, галабага эришди. Кейинги уйинда ("Урин алмашиш") "Ниҳол" жамоаси ютуққа эришиб, очколар тенглаш-

фаҳримиз" ва "Хоккей") ва конкурс баҳсида пойтахтлик ўқувчилар 7 та очкони қўлга киритиб, 11:9 ҳисобида галаба қозонишди ва финалга чиқишди.

Ф.МАННОПОВ

Жорий йил андижонликлар учун эсда қоларли бўлади, десак янглишмаймиз. Чунки бу гал "Баркамол авлод" спорт ўйинларига андижонликлар мезбонлик қилишади. Хусусан, шаҳрихонлик ёшларнинг қувончлари чексиз. Сабаби, Республика финал босқичининг футбол мусобақалари айнан Шаҳрихонда ўтказилди.

Финал босқичи иштирокчиларининг 133 нафари Шаҳрихон саноат ва хунармандчилик касб-хунар коллежига жойлашадилар. Ҳозирги кунда коллежда меҳмонларни муносиб кутиб олишга жиддий тайёргарлик кўрилмоқда. Ётоқхона ва ошхоналар, ўқув юрти спорт майдонлари шай ҳолатга келтирилмоқда. Шу билан бирга, ша-

ҳар марказидаги Ф.Олимов номли ўйингоҳ бутунлай қайта таъмирланаяпти.

Меҳмонлар Шаҳрихоннинг диққатга сазовор жойлари, тарихий обидалари, музейи, сўлим масканларига ташриф буюрадилар. Уста хунарманд-

да тухфалар ҳозирлашмоқда.

Дарвоқе, "Баркамол авлод" спорт ўйинларининг вилоят босқичида Шаҳрихон саноат ва хунармандчилик касб-хунар коллежи ўқувчилари футбол, Шаҳрихон агросано-

ШАҲРИХОНЛИКЛАР АЙЁМГА ШАЙ

ларнинг кўргазмалари билан танишадилар. Шунингдек, тумандаги йирик ишлаб чиқариш корхоналари, янги қурилган, таъмирланган коллежларда бўладилар. Санъаткорлар, эстрада хонандалари эса меҳмонлар учун алоҳи-

ат касб-хунар коллежи жамоаси қўл тўпи, Шаҳрихон қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи ёшлари эса баскетбол бўйича голибликни қўлга киритиб, республика босқичида иштирок этадиган бўлишди. Шунингдек, Шаҳрихон са-



ноат ва хунармандчилик коллежи энгил атлетикачилари вилоят босқичида 2-ўринни қўлга киритишди. Қўл тўпи бўйича вилоят шарафини ҳимоя қиладиган Шаҳрихон агросаноат коллежи спортчилари Наманган шаҳридаги спорт мажмуида "Баркамол авлод" ўйинларида иштирок этувчи Тошкент ва Наманган вилоятлари терма жамоаларини мусобақа олди ўзаро ўртқлик учрашувида мағлуб этиб қайтишди.

О.СИДДИҚОВ

Самарқанд вилояти Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси қошидаги Олий маҳорат спорт мактабида 1983-85 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида юнон-рум ва эркин кураш бўйича Ўзбекистон шахсий биринчилиги ўтказилди.

Ушбу мусобақада мамлакатимизнинг энг кучли юнон-рум ҳамда эркин курашчилари голиблик учун гиламга чиқдилар.

Қизиқарли кечган беллашувларда эркин кураш бўйича қорақалпоғистонлик Азамат

КУРАШЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Мамбеталиев, Баҳром Эрматов, Фарҳод Ҳазратбеков, Алик Пагаев, бухоролик Баҳодир Қурбонов, Шукур Нарзиев, самарқандлик Сайфи Ганиев, Санжар Шодмоновлар ўз вазн тоифаларида барча рақибларидан устун келиб, биринчи ўринни эгалладилар.

Юнон-рум кураши баҳсларида эса фарғоналик Аваз Сиддиқов, Убайдулла Ҳасанов, бухоролик Тошмурод Турдиев, Миради Жўраев, тошкентлик Зиёдулло Абдуллаев, Улугбек Назаров, самарқандлик Жавлон Довуровлар голиб деб топилдилар.


Голиб ва совриндор курашчилар Ўзбекистон терма жамоаси таркибида Жаҳон ҳамда Осие биринчилиги мусобақаларига ҳозирлик кўрадилар.

М.АҲМЕДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози

МАЙКЛ ЖОРДАН СПОРТ БИЛАН ХАЙРЛАШДИ

Баскетбол қиролига айланган Майкл Жордан катта спорт билан бир умрга хайрлашди. Бугун 40 ёшни қоралаган Майкл баскетболни Америкада миллий спорт турига айланишига сабабчи бўлди. Куни кеча АҚШ пойтахтидаги "Эм-Си-Ай" марказида "Вашингтон" ҳамда "Филадельфия" клублари ўртасида кечган ўйинда у катта спортни қатъий тарк этганлигини расман ошкор этди. Бу ўйин Жорданнинг спортдаги 15 йиллик карьерасига якун ясади. "Америкада баскетбол рамзига айланган Майкл илк бор катта спортга 1984 йил "Чикаго Буллз" клубида қадам қўйган эди.

1993 йил 16 октябрь куни баскетболни илк бор тарк этиб, бейсбол билан шуғуллана бошлаган Жордан 1995 йил 18 март куни яна "Чикаго Буллз" сафига қайтди. Орадан 4 йил ўтиб, 1999 йил ўз карьерасини тугатдим, дея эълон қилди ҳамда бўйдор йигитларнинг баскетбол ўйинлари мухлислари қаторидан ўрин олди. Лекин, 2001 йилнинг 25 сентябрида Жордан 2 йиллик шартнома билан "Вашингтон Уизардес" сафида баскетбол мусобақаларида қатнаша бошлади. Бутун фаолияти давомида 32292 очко тўплаган Майклнинг бугун қабул қилган қарори қатъий. Энди у фахрийлар қаторидан ўрин олади ва ҳеч қачон майдонга тушмайди.



РОЙ ЖОНС ОФИР ВАЗНЛИЛАР САФИГА ҚЎШИЛДИ

WBA йўналишидаги оғир вазнли профессионал боксчи пуэрторикалик Жон Руисни мағлуб этган америкалик Рой Жонсга Бутунжаҳон бокс ассоциацияси ё энгил ёки оғир вазнли боксчилар таркибига қўшилишни таклиф этган эди. Рой Жонс эса оғир вазнлилар қаторидан ўрин олишини маълум қилди. Энди у Бутунжаҳон бокс ассоциацияси украиналик Виталий Кличкога қарши рингга чиқишини таклиф этаётганига қарамасдан Жонс Эвандер Холифилд билан жанг ўтказиб, 10 миллион доллар ишлаб олишни режалаштирмоқда.

Камола НУРМАТОВА

КОЛЛЕЖДА МАҲАЛЛА ЖАМОАЛАРИ

"Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлур". Бу шир аждодларга муносиб давлат қуриш ва соғлом авлодни камол топтиришдек эзгу мақсадларни дилига туккан халқимиз қалби ва шижоатида мустаҳкам ўрин эгалламоқда. Айниқса, ўтган йилда мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жағфармаси бу йўлда қўйилган яна бир улкан қадам бўлди.

Яқинда мамлакатимиз миқёсида нишонланган буюк Соҳибқирон таваллуди муносабати билан кўпгина таълим муассасаларида ўтказилган маънавий-маърифий кечалардан ташқари, спорт тадбирлари ҳам бўлиб ўтди. Ана шундай спорт байрамларидан бири Тошкент юридик коллежида ўтказилди. Коллеж жамоаси Акмал Икромов ҳамда Чилонзор туманида жойлашган маҳалла болаларини спортга жалб этиш йўлида изланмоқдалар. Чунончи, коллеж атрофидаги маҳалла болалари бўш вақтларида турли спорт тўғаракларига қатнашиб, стол тенниси, футбол, волейбол, баскетбол, шахмат-шашка ва бошқа қатор спорт турлари билан шуғулланмоқдалар.

Шу кунги футбол мусобақасининг асосий ҳомийлари "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда юридик коллежи маъмурияти бўлиб, унда А. Икромов тумани Чўпон ота маҳалласининг "Умид" жамоаси билан Чилонзор тумани "Ватан" маҳалласи болаларининг "Чилонзор" жамоаси ўзаро куч синашдилар ҳамда коллеж ўқувчилари ва мураббийлар жамоаси ҳам иштирок этди.

— Коллежимиз ўқувчилари "Баркамол авлод" мусобақаларининг шаҳар босқичида муваффақиятли қатнашиб, ўғил болалар ўртасида 14 спорт тури бўйича жамоавий ҳисобда биринчиликни қўлга киритдилар. Жумладан, миллий кураш ва бокс бўйича 1-ўрин, шахмат ва фарғонача кураш бўйича 2-ўрин, баскетбол ва энгил атлетика бўйича 3-ўринлар қўлга киритилди, - дейди коллежнинг чақриққа ча ёшларни тайёрлаш ва жисмоний тарбия кафедраси мудири Зайниддин Икромов.

МУХБИРИМИЗ

"Авиасозлар бозори" очик акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига
Жамият акциядорларининг 2003 йил 10 мартда ўтказилмай қолган навбатдаги умумий мажлиси 2003 йил 28 апрел куни соат 18.00да жамият маъмурият биносидида бўлиб ўтади.
КУЗАТУВ КЕНГАШИ

Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги 304-мактаб томонидан Мамаюнусова Хилола Хусанбоевна номига берилган О'Р'N 1412629 тўлиқсиз ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент вилояти Зангиота тумани ҳокимияти томонидан хусусий тадбиркор Баратов Холдор номига берилган юмалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент Давлат шарқшунослик институти раҳбарияти ва бирлашган қасаба уюшмаси қўмитаси хорижий шарқ мамлакатлари адабиёти кафедраси доценти Муҳлиса Зиявутдиновага акаси
Шамсиддин БОБОХОНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изхор этади.

Сирғали тумани Халқ таълими бўлими ҳамда шу тумандаги 237-умумий ўрта таълим мактаби жамоаси мактаб директори Асқар Сулаймоновга акаси
Аҳмад МАҲАМАДОВ вафоти муносабати билан таъзия изхор

1-Тошкент педагогика билим юрти жамоаси билим юрти она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Барно Сулаймоновага онаси
ХАТИРА аянинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ko'ngil bitiklari

ВАТАН СЕВГИСИ

Кўзга суртай, ўпай қониб тупроғингни,
Танграм ўзи кўрсатмасин фироғингни.
Босолмагай бу тан юрак титроғини,
Ватан, сени бир фарзанддек севолмасам.

Тонгларингнинг юзларидан ўпиб яшай,
Кафтларингга соғинчларим тўкиб яшай.
Майли ғамнинг чоҳларида чўкиб яшай,
Ватан, сени бир фарзанддек севолмасам.

Капалакни гулга тўлсин кучоқларинг,
Маним кўнглим шеърига солган бу чоқларинг.
Юрагимга ботсин майли пичоқларинг.
Ватан, сени бир фарзанддек севолмасам.

Ўшамасам бургутларинг, сорларингга,
Бўлолмасам қалқон номус — орларингга,
Азиз билма, бошимни торт долларингга,
Ватан, сени бир фарзанддек севолмасам.

Бўйинингдаги ой — юлдузинг дурлар бўлсин,
Остонамда юртим шу дам хурлар бўлсин,
Йўқса, менинг икки кўзим кўрлар бўлсин,
Ватан, сени бир фарзанддек севолмасам.

АЁЛНИНГ
КўНГЛИ...

Аёлнинг бошидан сочма тилло-зар,
Барибир у гўзал, кўркем, саришта.
Ортиқ ташбехларга ўрамай уни
Аташ мумкин бир хур ё бир фаришта.

Аёлнинг бошидан сочма тилло-зар,
Сенинг зарларингга зор эмас, аёл.
Хор бўлсак сену биз хордирмиз, аммо,
Оллоҳ даргоҳида хор эмас аёл.

Аёлнинг бошидан сочма тилло-зар,
Шарт эмас бунчалик илтифотларинг.
Битта ширин сўз де, бир ширин калом,
Етса агар шунча сабр-тоқатларинг.

Аёлнинг бошидан сочма тилло-зар,
Ҳаммасидан қиммат унинг чун бир сўз.
Аср ўтмоқдадир, умр ҳам тинмай,
Бугун баҳор, эрта қарабсанки куз.

Аёлнинг бошидан сочма тилло-зар,
Беҳиштни умид қил, пойидан унинг.
Ҳеч қандай байрамга тенг кела олмас,
Аёлнинг кўнглини ололган кунинг!

Жамшид ҲАҚБЕРДИ,
Китоб туманидаги
44-мактаб ўқитувчиси

Қадим замонда иккита европалик
Эфиопия мамлакатига келишибди. Са-
ёҳат давомиди мамлакатни яхшилаб
ўрганиб, унинг шаҳарлари, тоғлари,
дарёлари, ҳатто уйлари акс эттирилган
харита яратишибди. Улар Нил дарёсига
қуйиладиган Тама дарёсига келиб,
дарёнинг ҳам харитасини чизишибди. Са-
ёҳатчилар ишларини тугатишгач, Аддис-
Абебага келиб, харитани мамлакат им-
ператорига топширишибди. Император
дебди:

ва тупроқларни тозалабдилар. Ковушлар
тоза бўлгач, уларни саёҳатчиларга уза-
тиб:

— Энди кемага чиқишингиз мумкин,
— дейишибди.

Саёҳатчилар ҳайрон бўлиб, бу ишнинг
сабабини сўрабдилар. Улар шундай
жавоб берибдилар:

— Императоримиз бизга шундай
қилишни буюрган. Сиз бу ерда бўлиб,
унинг қандай гўзал мамлакат эканлиги-
ни кўрдингиз. Мамлакатни гўзал қил-

БЕБАҲО ЗАМИН

Ertak

— Раҳмат, жуда яхши иш қилибсиз-
лар. Бу харита менга ва халқимга кўп
фойдали бўлади.

Подшо уларга тилло, жавахирлар ва
ҳар хил қимматбаҳо буюмлар берибди.
Кейин яна миннатдорчилик билдириб,
хизматкорларига саёҳатчиларни кема-
гача кузатиб қўйишни тайинлабди. Саё-
ҳатчилар портга етиб келишгач, шохнинг
хизматкорларига раҳмат айтиб, кемага
чиқмоқчи бўлибдилар. Шунда хизматчи-
лар уларни тўхтатиб:

— Йўқ, энди сабр қилин! Кемага чи-
қишдан аввал ковушларингизни бизга
беринг, — дейишибди.

Улар ковушларни олишиб, ундаги лой

ган нар-
са унинг
тупроғидир. Биз еримиз яхши ва бой
бўлиши учун кўп меҳнат қилганмиз.
Шунинг учун унда гуллар, дарахтлар ва
бошқа ўсимликлар яхши ўсади. Ҳамма
бебаҳо нарсалар шу ердан пайдо бўла-
ди. Ер мамлакатимизни гўзал ва халқи-
мизни шижоатли, кўркем қилди. Биз
сизга олтину жавахирлар, кўп қиммат-
баҳо нарсалар бердик. Аммо биз учун
олтину зардан ҳам қимматлироқ ери-
мизнинг бир заррасини ҳам бера ол-
маймиз.

Форсийдан Бахриддин ТУРҒУНОВ
таржимаси

АБДУЛЛА АВЛОНИЙ НОМИДАГИ
ХТХҚТМОМИДА 2003 ЙИЛНИНГ
МАЙ ОЙИДА ҚУЙИДАГИ ТОИФАЛАР
БЎЙИЧА КУРСЛАР
РЕЖАЛАШТИРИЛГАН:

- | | |
|---|-----------|
| 1. Мутахассислиги ўзбек тили ва адабиёти бўлган директорлар курси | 1-22 май |
| 2. Мутахассислиги тарих-география бўлган директорлар курси | 1-22 май |
| 3. Мутахассислиги кимё-биология бўлган директорлар курси | 1-22 май |
| 4. Мутахассислиги математика ва информатика бўлган директорлар курси | 1-22 май |
| 5. Мутахассислиги физика ва умумий техника фанлари бўлган директорлар курси | 1-22 май |
| 6. Мутахассислиги рус ва хорижий тиллар бўлган директорлар курси | 1-22 май |
| 7. Туман (шаҳар) ХТБнинг бошланғич таълим методистлари учун илгор педагогик технологиялар ва рейтинг тизимини қўллаш бўйича маърузачилар курси | 1-22 май |
| 8. Ёш директорлар (ушбу лавозимда 5 йилгача ишлаётганлар) курси | 1-22 май |
| 9. ҚР ХТБ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ ҳузурдаги методика (таълим) маркази табиий фанлар методистлари | 1-15 май |
| 10. Туман (шаҳар) ХТБ мудири ўринбосарлари | 1-15 май |
| 11. Туман (шаҳар) ХТБ назоратчилари курси | 1-15 май |
| 12. Туман (шаҳар) ХТБнинг бошланғич таълим методистлари учун илгор педагогик технологиялар ва рейтинг тизимини қўллаш бўйича маърузачилар курси | 1-15 май |
| 13. Ўқувчилар техник ижодиёти маркази директорлари курси | 19-31 май |
| 14. Мактаб амалиётчи психологлардан психолог-тренерлар тайёрлаш махсус курси | 19-31 май |
| 15. ЧЕТ раҳбарлари маърузачилари курси | 19-31 май |
| 16. Кўзи ожиз, қар ва заиф эшитувчи болалар мактаб-интернат психологлари учун мақсадли курс | 19-31 май |
| 17. Қар, заиф эшитувчи болалар мактаб-интернатларининг тарбиячилари | 19-31 май |
| 18. Таълим рус тилида олиб бориладиган ёрдамчи мактаб ўқитувчилари (Самарқанд ВПҚТМОИда) | |

ЭСЛАТМАЛАР:

1. Тингловчилар институт меҳмонхонасига жойлашадилар, институт кутубхонаси ва қироатхонасидан фойдаланадилар. Сафар харажатлари институт ҳисобидан тўланади. Йўл харажатлари фақат давлат транспортларининг чипталари асосида тўланади. Курсларда машғулотлар ўзбек тилида олиб борилади. Таниқли педагог олимлар, ДТС, ўқув дастури ва дарсликлар муаллифлари, Республика Маънавият ва маърифат маркази масъул ходимлари машғулотларни олиб борадилар, санъаткорлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари билан учрашувлар ўтказилади ҳамда Темурийлар тарихи давлат музейи, Хотира майдони, "Шахидлар хотираси" ёдгорлик мажмуаси ва бошқа зиёратгоҳларга экскурсиялар уюштирилади.

2. Тингловчиларнинг сафар гувоҳномасида юқорида қайд қилинган курслардан қайси бирига юборилгани ҳамда лавозими аниқ кўрсатилган бўлиши ва режада кўрсатилган муддатда етиб келиши шарт.

3. А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ қошидаги санаторий-профилакторий ҚР ва вилоятлар қасаба уюшма кўмиталари томонидан берилган пул ўтказилганлигини тасдиқловчи йўлланма ёки бошқа ҳужжат асосида қабул қилинади.

Манзил: Тошкент-95. Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси, 6-уй.
Транспорт: Шимолий темир йўл вокзалидан 20-троллейбуснинг
"Талабалар шаҳарчаси" бекатигача



Хурматли Шухрат ака ЮСУПОВ!
Сизни таваллуд айёмингизнинг 55 баҳор
билан самимий табриклаймиз.
Таълим муассасамизда энг тажрибали
тарих фани ўқитувчиси сифатида сизни қад-
рлаймиз ва келгуси меҳнат фаолиятингизга
зафарлар, оилангизга фаровонлик, бахт-са-
одат тилаб қоламиз.
Сирғали тиббиёт коллежи жамоаси

Хурматли
Баҳодиржон УРОҚОВ!
Сизни 35 ёшингиз билан қўтлаймиз.
Навий шаҳар халқ таълими бўлимида
олиб бораётган фаолиятингизга муваф-
фақиятлар, оилангизга тинчлик-хотир-
жамлик тилаймиз.
Навий ШХТББ жамоаси.

ИТАЛЬЯНЧА + ШОҲМОТСИМОН КРОССВОРД

Шоҳмотсимон бошқотирманинг шартлари: Катакдаги ҳарфларни от юриши билан юриб, ўқиби қиқсангиз ҳадиси шарифини билиб оласиз. (От ҳар бир катакда бир марта юриши керак.)

У Н О М В О И Д	Туннинг акси; То- беъ, муте; Уй ҳайвони	Россиядаги тоғ тизмаси; Ох, фигон	Умр йўлдоши; АҚШ президенти	Аёллар исми; Аза	Осмон; Истақ	Нога; Ҳасса; Кел- йимдаги янгилик	Шикаст; Мамун	Номус; Тозаланан- ётган ариқдаги лойқа; Пайғамбар	Омбор; Ташкилот	Намозга чақирик; Кичик сув йўли	Моҳир; Муқаддас хилқат
Миллий спорт тури; Гўзал, барно											
Радиоактив металл; Эҳтимол											
Гўзаллик, латофат; Араб ҳарфи											
Туркия пули; Жон											
Ой, моҳ;											
Кўрсатиш олмоши; ...-атиқа											
Арабча ҳарф; Покиза, тоза											
Олий зот; Имо, белги											
Ол, ушла; Уй қисми; Мақтаниш											
Ўлчов; Ривоят											
Республикамиздаги жамгарма											
Бош қисмдаги инсон аъзоси; Изоҳ											

Тузувчи:
Салимжон
БАДАЛБОВ

Ma'rifat

ТАБСИС
ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазири ўринбосари,
Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари,
Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Марказий Кўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Тахрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ,
Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БУРИБОВЕВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Шукур ЖОНБОВЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Курбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ,
Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТҶИМАНОВА,
Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси
Давлат Матбуот Кўмитасида
№ 20 рақам билан 12 июнь
1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-293.
Тиражи 27613. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табак,
Офсет усулида босилган,
қоғоз бичими А-3.

Навбатчи муҳаррир:
Нурлан УСМОНОВ.
Навбатчи:
Баҳодир ЖОВЛИЕВ.

«Ma'rifat»-дан материалларни кўчириб босиб
тахририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
Тахририятга юборилган материаллар муаллифга
қайтарилмайди.

М белгиси остида реклама материаллари берилади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими — 136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни қасбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими—136-54-69.

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium компьютерида
Лилия БИНАШЕВА
ва Малоҳат ТОШОВА
сахифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акционерлик компанияси
босмаҳонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон»
кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00